

ШАББАЗОВА
ДИЛФУЗА РУЗИКУЛОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИСИНИНГ
АҚЛИЙ ШАКЛЛАНИШИ**



ШАББАЗОВА ДИЛФУЗА РУЗИКУЛОВНА

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ
ЎҚУВЧИСИНИНГ АҚЛИЙ
ШАКЛЛАНИШИ**

ИЛМИЙ РИСОЛА



ТЕРМИЗ-2017

Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида “Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир”– деб таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, болаларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳозирги кунинг талабидир. Айниқса, мактаб остонасига илк бор қадам қўйган болаларнинг янги фаолият билан самарали шуғулланишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш уларнинг келгусида баркамол инсонлар бўлиб етишишлари учун муҳимдир.

Ушбу илмий рисола бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш бакалавр таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган.

Шунингдек, рисоладан педагоглар, амалиётчи психологлар, ота-оналар фойдаланишлари мумкин.

Муаллиф: ТерДУ, к.ўқит. Шаббазова Д.Р.

Тақризчи: ТерДУ, к.ўқит., п.ф.н.Шарафутдинова Х.Ғ.

ТерДУ, к.ўқит., п.ф.н.Норбўтаев Х.Б.

Илмий рисола Бошланғич таълим методикаси кафедраси йиғилишининг 23.05.2017 йил № 16 сонли қарорига мувофиқ Термиз давлат университети Илмий услубий Кенгашининг «__»_____2017 йил №__ сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, ақлий риаожланган, ҳар томонлама соғлом бўлган баркамол шахсни шакллантириш, жаҳон талаблари даражасига жавоб бера оладиган рақобатбардош кадрларни етиштириб бериш ўқитувчилар олдидаги муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов “Соғлом авлод - халқимиз келажаги” маърузасида: “Фақат жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган одамни тарбиялаш унчалик қийинмас. Аммо ҳам жисмоний, ҳам маънавий, ҳам ақлий жиҳатдан камол топтириш ғоят мураккаб вазифа. Айниқса, бугунги кунда мафкуравий курашлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона тус олган ҳозирги нозик, қалтис шароитда, таҳликали замонда бу масала ниҳоятда долзарб аҳамиятга эга” .

I-БЎЛИМ

БОШЛИНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИСИ ПОРТРЕТИ

I.1. Кичик мактаб ўқувчисининг умумий тавсифи

Болаларнинг кичик мактаб ёшидаги даври 7 ёшдан 11 ёшгача бошланғич синфларда ўқиши йилларига тўғри келади. Боғча ёшидаги болалик даври тугади. Мактабга келиш олдидан бола қуйидагига кўра ўз ҳаётини энг муҳим даврига яъни мактаб томонида қўйиладиган турли туман талабларни бажаришга бошқача қилиб айтганда таълим олишга жисмоний ҳам психологик жиҳатидан тайёр бўлади. Бошланғич синф ўқувчиларининг имкониятлари расм чизиш машғулотларида ёки пластилиндан нарсаси ясаш ишларида ва энг оддий қуриш-ясаш машғулотларида яққол намоён бўлади. Бу даврда бола ўз диққатини бошқариш, мустақил йўналтиришда бир мунча тажриба хосил қилган бўлади.

7 ёшга келиб, боланинг сўз захираси ҳам етарли даражада бой ва мавҳум тушунчалар миқдори анча юксак бўлади. Бола эшитганларини етарли даражада кенг тушунади. Мутаххассисларнинг тадқиқотларидан маълум бўлишича, яхши ташкил қилинган таълим 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар тафаккурини ривожлантиради. Улар содда машқлар ва масалаларни туза оладиган ҳамда еча оладиган бўладилар. Уларда бурч ҳисси ва жавобгарлик ҳисси эндигина намоён бўла бошлайди. 7 ёшли бола ўз ҳиссиётларини бошқариш тажрибасига эга бўлади. Буларнинг ҳаммаси уларнинг мактаб таълимига тайёрлигининг муҳим шартлари ҳисобланади.

Бошланғич синфларда педагог ишларни ташкил қилишда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг анатомик физиологик хусусиятларини ижтимоий тараққиёт даражасини ҳисобга олиш муҳимдир. Д.Н.Левитов тўғри қайд қилиб ўтганидек ҳеч бир мактаб ёшида

саломатлик холатига ва ижтимоий тараққиётига кичик мактаб ёшидагидек жиддий боғлиқ бўлмайди. Бола 7 ёшдан 11 ёшгача жисмоний жиҳатдан нисбатан осойишта ва бир текисда ривожланади. Бўйи ва оғирлиги, организмнинг тиниқлиги, ўпкасининг ҳаётий хажми анча текис ва пропорционал ривожланади

Психолог Л.С.Славинанинг кўрсатишича бошланғич синфда билиш фаоллиги етарли даражада бўлмаган болалар учраши мумкин. Бундай болалар интилувчанлиги жиҳатидан нормал ривожланган бўлади. Фаол фикр қилиш улар учун ҳарактерлидир. Бундай ўқувчиларга ўқитувчи алоҳида диққат билан қараши керак. Уларнинг фикрлашини таълим фаолиятига одатлантириб, ютуқларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши, дастлабки пайтларда ўқув вазибаларини бажаришни ўйин ва амалий фаолият билан боғлаб олиб бориш керак.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг барча ўқиш фаолияти қатъий равишда мақсадга мувофиқлаштирилган бўлади. Бу даврда болалар; биринчидан, ўқувчилар ўқиш, ёзиш, ва ҳисоблаш малакасини эгаллашларини, арифметика, она-тили, тарих, география ва табиятшуносликдан геометриянинг элементар асосларидан анча катта хажмда билимни ортиришлари керак; иккинчидан, боланинг билим даражаси ва билиш қизиқишлари кенгайди ҳамда ривожланади, учинчидан билиш жараёнларининг тараққиёти, ақлий ривожланиш юзага келади. Фаол мустақил ижодий фаолият учун қобилият таркиб топади ва ниҳоят ўқишга бўлган йўналиш, ўқишга нисбатан масъулиятли муносабат шаклланади.

Бошланғич синф ўқувчилари идрокининг ўткирлиги, софлиги, ўзига хос билимга томошабин тариқасида берилганлик билан фарқ қилади. Бу ёшидаги ўқувчилар диққатининг асосий хусусиятлари ихтиёрий заифлигидадир. Кичик мактаб ёшида диққатни ирода кучи

билан мослаш ва уни бошқариш имконияти чекланган бўлади. Ўқувчиларда хотира таълимининг таъсири билан икки йўналишда ривожланади. Сўз мантиқ хотирасининг ва маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг ролғи ва унинг салмоғи кучаяди, тартибга солиш имкониятларига бўлади.

Биринчи сигнал системасининг фаолиятининг нисбатан устунлиги туфайли ўқувчиларда сўз мантиқ хотираси деб аталган хотирага қараганда кўرғазмали-образли хотира кўпроқ ривожланган бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар қоида ва тушунтиришларга қараганда конкрет маълумотларни, воқеликларни, қиёфаларни нарсаларни ва фактларни яхши, тез эсда олиб қоладиган ва хотираларида мустаҳкам сақлайдилар.

Ҳаёл муҳим психик билиш жараёнларидан биридир. Ҳаёлнинг фаолиятисиз ўқитувчи гапираётган ва дарсларда ёзилган нарсаларни тассаввур қилишни ҳамда кўрғазмали образлар билан ишлашни билмай туриб, ҳеч қандай ўқув предметни чинаккам ўзлаштириши мумкин эмас. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ҳаёли унинг ўқув фаолиятининг таъсири ва талаблари билан таркиб топади. Шунинг билан бир қаторда бевосита таъсуротлар (музей, кўрғазмаларни бориб кўриш, кинокартиналарни кўриш, саёҳатларга бориш, мактаб ер участкасида ишлаш ва бошқалар) ҳам ҳаёлни ривожлантиради.

Гарчи кичик мактаб ёшидаги давр шахснинг тараққиётида хал қилувчи силжишлар даври бўлмасада, бу даврда шахснинг таркиб топиши етарли даражада сёзиларли юз беради. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, мактабга кириш боланинг ҳаётида бурилиш моменти ҳисобланади. Катталар (ўқитувчилар) ва тенгдошлари (синфдошлари) билан янги муносабатлар майдонга келади. Болага бутун бир жамоавийлар системасига (умум мактаб, синф) қўшилади. Ўқитувчи ўз олдида бир қатор жиддий талабларни қўйган ўқишга

янги фаолият турига қўшилиш ўқувчининг ўз ҳаётини қатхий тарзда ташкил қилишга, қоида ва режимга бўйсунушга мажбур қилади. Бўларнинг барчаси теварак-атрофдаги воқеяликка, бошқа кишиларга, жамоавийга таълимга ва унинг билан боғлиқ бўлган мажбуриятларга нисбатан янги муносабатлар системасининг таркиб топтиришга ва мустаҳкамлашга қатхий равишда таъсир қилади ҳарактерни иродани таркиб топтиради. қизиқишлар доирасини кенгайтиради, қобилиятлар тараққиётини белгилайди.

Ахлоқий нормалар ва хатти-ҳаракатлар қоидаларини ўзлаштириш кичик мактаб ёшидаги даврда ахлоқий хати-ҳаракат пойдевори қўйилади, ахлоқий нормалар ва хатти-ҳаракат қоидалари ўзлаштирилади. Шахснинг ижтимоий йўналиши таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ахлоқий онглари 1-синфдан 4-синфгача бўлган давр мобайнида муҳим ўзгаришларга учрайди. Бу ёшнинг охириги даврларига келиб ахлоқий билимлар тасаввурлар ва мулохазалари сезиларли даражада бойийди, анча анланган бўлади, турли тушунчаларга эга бўлади, умумлашади - 1 ва 2 синф ўқувчиларининг ахлоқий мулохазалари ўз хатти-ҳаракатлари тажрибасида ва ўқитувчилар ҳамда ота-оналарнинг конкрет кўрсатмалри ва тушунтиришларига асосланади. 3-4 синф ўқувчилари эса ахлоқий мулохазаларида ўз хатти-ҳаракатлари тажрибасига ва катталарнинг кўрсатмаларига асосланиш билан бошқа кишиларнинг тажрибаларини ҳам анализ қилишга интиладилар бундай адабиётларни ўқишда болалар учун чиқарилган кинофильмларни кўриш анча катта аҳамият касб этади. Ахлоқий хатти-ҳаракатлар ҳам худди шундай таркиб топади. 7-8 ёшдаги болалар тўғридан-тўғри катталарни жумладан, ўқитувчининг кўрсатмалари билан ижобий бўладиган кўрсатмани кутиб ўтирмай, бундай ижобий ахлоқий

ишларининг бошидан қанчасини ташаббуслари билан амалга оширадилар.

Кичик мактаб ёшдаги болаларда намоён бўлган ҳарактерологик хатти-ҳаракатларни ҳамма вақт ҳам муносабатлар амалга ошириладиган барқарор ва мустаҳкам хатти-ҳаракат формалари деб бўлавермайди. Кичик мактаб ёшидаги болаларда ҳарактер жиддийгина таркиб топа бошлайди. Кичик мактаб ёшидаги болалар ҳарактери, хатти-ҳаракатлари ўзининг беқарорлиги ва қарама-қаршилиги билан фарқ қилиши мумкин. Шу муносабат билан баъзан улардаги ўткинчи психик ҳолатларни хато ривишда ҳислатига қўшиб юбориш мумкин. Н.Д.Летовитов бу хатога шундай бир мисол келтиради. 1-синф ўқитувчиси ўз ўқувчи қизларидан бирини ҳар қандай ишни охиригача етказа оладиган, қийинчиликларни енга оладиган матонатли қиз деб ҳисоблар эди. Бироқ, тажрибали психологлар томонидан ўтказилган кузатишдан бу ҳусусият маълум шароитдагина майдонга келадиган вақтинчалик, яъни ўткинчи психик ҳолат эканлиги маълум бўлди. Ўқувчи қиздаги хатти-ҳаракатни кўрганда ва дугонасининг фаолияти муваффақиятли бўлганда намоён бўлган муваффақиятсизлик қизчани издан чиқариб қўйган.

Мактаб таълимининг дастлабки йилларида қизиқишлар, хусусан билишга бўлган қизиқиш, теварак-атрофдаги оламни билишга бўлган қизиқиш кўпроқ билимга бўлган ташналик ва интеллектуал қизиқувчанлик жуда сёзиларли равишда ривожланади. Психологларнинг таҳкидларига қараганда даставвал айрим фактларга, бошқа нарсалардан ажратиб олинган ёлғиз ходисаларга нисбатан қизиқишлар бўлади. Ундан кейин эса сабабларини, қонуниятларини, ходисалар ўртасидаги алоқа ва ўзаро боғлиқликларни билиб олиш учун бўлган қизиқишлар ривожланади.

Агар 1-2-синф ўқувчиларини «бу нима?» деген савол қизиқтирса бирмунча каттароқ ёшдаги болалар учун «нима сабабдан», «қандай қилиб?» деган саволлар ташкил бўлиб қолади. Ўқиш малакасини ривожланиши билан китоб ўқишга, қизиқарли бўлган муайян адабиётларни, эртакларни ўқишга, бундан ҳам сўнгра, қийин бўлмаган илмий фантастик ва саргузаштлар ҳақидаги китобларни ўқишга қизиқиш пайдо бўлади. Техникага айниқса, ҳозирги замон техникасига, ракетага, ой станцияларига, лунаходларга, энг янги типдаги автомобил ва самолётларга бўлган қизиқиш тез таркиб топади. Қишлоқ мактабларининг 3- 4- синф ўқувчилари қишлоқ хўжалигига нисбатан сёзиларли даражада ўз қизиқишларини намён қила бошлайдилар. Шунинг учун ўқитувчи кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга нисбатан муносабатларида қизиқишлар ривожланишининг қонуниятларини назарда тутиш зарурдир. Юқорида айтиб ўтилгандек хусусан ўқитувчининг тегишли баҳоси билан аниқланадиган боланинг ўқишидаги ўз муваффақиятларини, қўлга киритган ютуқларини ичдан ҳис қилиш катта хусусиятга эгадир.

Кичик мактаб ёшидаги даврда болалар бадиий-эстетик ривожланишда катта имкониятларига эга бўладилар. Болалар одатда расм чизишга, лой ёки пластилидан нарса яшаш ишларига, ашула айтиш ва мўзикага жуда қизиқадилар. Бундай фаолиятни тўғри тадқиқ қилиш бир томондан болаларга эстетик ҳисларнинг ривожланишига ёрдам беради, иккинчи томондан тегишли қобилият компонентларининг ривожланишига учун шарт-шароит яратади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун меҳнатнинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Бироқ шуни такидлаб ўтиш лозимки, ҳар қандай меҳнат ҳам шахсда ижтимоий жиҳатдан қимматли ҳислатларини

тарбиялайвермайди. Меҳнат ўз шахсий манфаати учун бажонудил ва кўп меҳнат қилишга бўлган худбинни ҳам тарбиялайди.

Болалар ўз-ўзига хизмат қилиш ва ўзлари учун фойдали бўлган нарсаларни тайёрлаш билан шуғулланаётганларида уларда меҳнатсеварликни тарбиялашга хусусан зўр эътибор бериш керак. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни секин-аста кўпчилик фойдасига қаратилган, бошқалар учун бўлган ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш жуда муҳимдир.

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчи учун нафақат билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланиши .балки шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун ҳам имконият яратади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки етакчи бўлган ўқув фаолиятидан ташқари бошқа фаолиятлар-уйин.мулоқот ва меҳнат фаолиятит ҳам ўқувчи шахси ривожига бевосита таъсир курсатилади.Шунингдек бу фаолиятлар асосида мувафаккиятга эришиш мотивлари билан боғлиқ бўлган шахсий хусусиятлар таркиб топа бошлайди. Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқишда маълум ютуқларга эришиш эҳтиёжини кондиришга, шунингдек тенгдошлари орасида уз урнига эга булишига имконият ҳам яратади.Айнан ана шу урин ёки мавкега эришиш учун ҳам бола яхши ўқиш учун ҳаракат қилиши мумкин.

Бу ёшдаги болалар доимий равишда ўзлари эришган муваффақиятини бошқа тенгдошлари муваффақияти билан солиштирадилар. Улар учун доимо биринчи булиш ниҳоятда муҳим. Кичик мактаб даврида болалардаги мусобакага киришиш мотиви табиий психологик эҳтиёж ҳисбланиб бу мотив уларга кучли эмоционал зўриқишни беради. Бу хусусиятлар аслида богча давридан бошлаб юзага кела бошлайди ва кичик мактаб даврида, шунингдек ўсмирлик даврида ҳам якқол кузга ташланади.Кичик мактаб ёшидаги болалар катталарнинг у ҳақидага фикр ва баҳоларига қараб ўзларига

ўзлари баҳо берадилар. Ўқувчининг ўзига ўзи берадиган баҳоси асосан тўғридан тўғри ўқитувчининг берадиган баҳосига ва турли фаолиятларидаги муваффақиятларига боғлиқ. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўз ўзига берадиган баҳолари турлича – юқори, адекват, паст булиши мумкин. Бу ёшдаги болаларда мавжуд бўлган ишонувчанлик, очиқлик, ташки таъсирларга берилувчанлик, итоаткорлик каби хусусиятлари уларни шахс сифатида тарбиялаш учун яхши имконият яратади.

Кичик мактаб ёши даврини боланинг турли фаолиятларда муваффақиятга эришишини белгилаб берувчи асосий шахсий хусусиятларни юзага келиш ва мустаҳкамлаш даври деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда муваффақиятга эришиш мотивлари таркиб топиш билан бир қаторда меҳнатсеварлик ва мустақиллик каби сифатлар ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик асосан ўқиш ва меҳнат фаолиятида ривожланади ва мустаҳкамланади. Меҳнатсеварлик болада ўз қилаётган меҳнати унга завқ берган тақдирдагина юзага келади.

Болада мустақиллик хусусиятининг шаклланиши асосан катталарга боғлиқ. Агар бола хаддан зиёд ишонувчан, итоаткор, очиқ хусусиятли бўлса унда аста секинлик билан бўйсинувчанлик мустақил бўла олмаслик хусусияти мустаҳкамлана боради. Лекин болани вақтли мустақилликга ундаш унда қулоқсизлик, ёпиқликни шаклланишига олиб келади ва ҳаётий тажрибаларни асосан кимларгадир тақлид қилган холда ўзлаштиради. Мустақилликни шакллантириш учун болага мустақил бажарадиган ишларни кўпроқ топшириш ва унга ишонч билдириш ниҳоятда муҳимдир.

Шунингдек, шундай бир ижтимоий психологик муҳит яратиш керакки, унда болага бирон бир маъсул вазифани мустақил бажаришни топшириш, бу ишни бажариш жараёнида бола ўзини

тенгдошлари, катталар ва бошқа одамларнинг лидери деб ҳис қилсин. Ана шу ҳис болада мустақил бўлишга ундовчи мотивларни юзага келтиради.

7-11 ёшли даврда болалар ўзларининг индивидуал хусусиятларини англай бошлайдилар. Болани уз-узини англаши ҳам жадал ривожлана боради ва мустаҳкамлана бошлайди. Бу даврда болалар ўзларининг исмларига янада кўпроқ аҳамият бера бошлайдилар ва уларнинг исмлари тенгдошлари ва атрофдагилар томонидан ижобий қабул қилинишига ҳаракат қиладилар. Болани ўзининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига берадиган баҳоси ҳам ўз-ўзини англашида аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб даврининг охирига бориб болалар, айниқса қизлар ўзларининг юз-тузилишларига алоҳида эътибор бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчининг ўқув фаолияти жараёнида ўзидаги хулқ-атворни ва фаолиятни ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли рившда бир фикрга кела олиш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини ўзи уюштиришига, ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқишининг қарор топишига ёрдам беради. Ўқувчи хулқ-атворининг мотивлаштириши ҳам ўзгаради. Бунда ўртоқлар ва жамоанинг фикрлари асосий мотивлар бўлиб қолади. Ахлоқий ҳис-туйғулар ва шахснинг иродавий хусусиятлари шаклланади.

5-6 ёшли даврида болаларнинг кўзга ташланган хусусиятлари 4 йил давомида ривожланади ва мустаҳкамланади ҳамда ўсмирлик даврининг бошларига келиб жуда кўп шахсий фазилатлар шаклланиб бўлади. Болаларнинг индивидуалликлари уларнинг билиш жараёнида ҳам кўринади. Бу даврда болаларнинг билимлари кенгаяди ва чуқурлашади, кўникма ва малакалари такомиллашади. 3-4 синфларга бориб кўпчилиб болаларда умумий ва махсус лаёқатлар кўзга ташланади. Кичик мактаб ёш даврида ҳаёт учун ниҳоятда аҳамиятли

бўлган муваффақиятга эришиш мотиви мустаҳкамланади, бу эса ўз-ўзидан бошқа лаёқатларни жадал ривожланишига олиб келади.

Бу ёшдаги болаларда идрок, диққат, хотира, тафаккур ва нутқ тўлиқ шаклланиб бўлгани учун ҳам уларга таълим беришда катталарга қўлланиладиган услублардан фойдаланиш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги болалар психик ривожланишига уларнинг атрофидаги одамлар, ота-онаси ва айниқса ўқитувчи билан бўладиган муносабати орқали эришиши мумкин. 3-4 синфларга бориб бола учун унинг ўртоқлари билан муносабатининг ҳам аҳамияти ортади. Бу муносабатлардан катталар таълим-тарбия мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Бу ёшдаги болалар соатлаб ёлғиз холда севимли машғулотлари билан шуғулланишлари мумкин ва шу асосда уларда меҳнатсеварлик ва мустақиллик фазилатлари шаклланади. Бу нарса ана шунинг учун муҳимдирки, биринчи синф ўқувчиларининг меҳнат фаолиятида шахсий мотивлар аниқ намоён бўлади. Биринчи синф ўқувчиси ўзи учун зарур бўлган нарсани катта қунт билан берилиб тайёрлайди. Бошқалар учун ишлашга эса, унда хали тажриба йўқ.

I.2. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш фаолияти хусусиятлари тавсифи

Мактабга бориш болаларнинг хаётида жуда катта воқеадир. Мактаб хаёти болаларга янги бир дунёни очиб беради, мактаб даврида болаларнинг асосий фаолиятлари ўзгаради. Мактаб ёшидан бошлаб болаларнинг асосий фаолиятлари, асосий вазифалари ўқиш, фан асосларини пухта ўзгартириш бўлиб қолади. Етти ёшли болалар учун янги фаолият бўлган ўқиш улардан янги сифат, янги хусусиятларга эга бўлишларини талаб қилади.

Ўқиш фаолияти учун болаларда барқарор диққат, ўткир зеҳн, мустаҳкам хотира, бир кадар тафаккур, яхши нутқ, ирода ва шунинг

билан бирга мустақиллик, батартиблик хислари бўлиши керак. Болаларнинг мактабга ўтишлари уларнинг яслидан боғчага ўтишларига қараганда мураккаб босқичдир.

Шуни ҳам назарда тутиш лозимки болалар мактабга ўтишлари натижасида уларнинг ижтимоий ҳолатларида ҳам ўзгаришлар юз беради. Масалан: етти ёшга яқинлашган болалар мактабгача таълим муассасасида «катта», яъни катта гуруҳ болалари деб ҳисобланар эди. Мактабга ўтишлари билан яна «энг кичиклар» қаторига тушиб қолади. Етти ёшдаги болаларнинг мактабга ўтишлари билан юзага келадиган ана шундай жиддий ўзгаришларни назарда тутиб, уларни мактабдаги янги ҳаётга ҳар томонлама тайёрлаш керак.

Маълумки, мактабгача таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири болаларга ҳар томонлама тарбия бериб, уларни тараққиёт даражаларининг мактабда ўқий оладиган қилишдан иборатдир. Бу эса ўз навбатида мактабдаги ўқиш ишлари билан мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбия ишлари ўртасида маълум изчиллик бўлишини талаб қилади.

Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг жисмоний ўсишларига қанчалик эътибор берилса, унинг ақлий ва ахлоқий ўсишларига ҳам шунчалик эътибор берилади. Болаларнинг мактабга чиқишлари доимо назарда тутилиб улар билан ўтказиладиган таълимий машғулотларда болаларнинг идроки, диққати, тасаввури, хотиралари, хаёл ҳамда тафаккурлари, иродавий сифатлари системали равишда тараққий эттириб борилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларни мактабдаги ўқиш жараёнига тайёрлашда уларнинг нутқини ўстириш жуда зарурий шартлардандир. Бу масалани ўз даврида машхур рус педагогларидан К.Д.Ушинский ҳам таъкидлаб ўтган эди. К.Д.Ушинскийнинг кўрсатишича, болаларнинг нутқни эгаллашлари

уларнинг мактабдаги ўқишга тайёр эканлигини кўрсатувчи энг ишончли далилдир. Шунинг учун мактабдаги ўқишга тайёрлашда уларнинг ўз она тилларини яхши, пухта ўрганишларига, яъни сўз бойлигини орттиришга, тўғри талаффуз қилишларига ва тўла ҳамда тўғри жумла туза олишларига аҳамият бериш керак. Боғча болаларини мактабга тайёрлашда уларнинг қизиқишларидан фойдаланиш лозим. Катта гуруҳ болалари мактаб ҳаёти билан жуда қизиқа бошлайдилар. Боғча болаларидаги бундай қизиқишни тарбиячи қўллаб-қувватлаши ва янада орттириб бориши керак. Бунинг учун мактаб ва унда ўқиш ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказиш ҳамда яқин атрофдаги мактабга экскурсия уюштириш яхши натижа беради.

Шу нарса диққатга сазоворки, мактабгача таълим муассасасидаги етти ёшга тўлган болаларнинг ҳаммаси ҳам мактабдаги ўқиш машғулотларига баб-баравар тайёр бўлавермайди. Айрим болалар мактабдаги янги шароитга тез киришиб кета олмайди. Уларда ўқиш машғулотлари учун қандайдир бир хусусият етмаётгандек кўринади. Бу ўринда шундай бир савол туғилади. Болаларни қайси пайтда психологик жиҳатдан мактабдаги ўқиш жараёнига тайёр деб ҳисоблаш мумкин? Айрим психологларнинг фикрича, бола мактабда ўқиш учун атрофдаги нарса ва ходисаларга доир анчагина тасаввур ва тушунчаларга эга бўлиши ҳамда маълум даражада ақлий жиҳатдан ўсган бўлиши лозим. Лекин бу боланинг ўқишга тайёр эканлигини аниқлашда ҳал қилувчи омил эмас, чунки бу ерда ёш масаласи ҳам бор.

Бошқа бир олимлар эса боланинг ўқишга тайёр эканини аниқлашдаги асосий нарса ирода сифатларининг етилганлигидадир дейдилар. Бу фикр бир ёқламаликка йўл қўйишдан бошқа нарса эмас.

Етти ёшга тўлиш даври гўдакликнинг тугалланиши ва ўсмирликнинг бошланиши даврига тўғри келади.

Худди ана шу даврдан бошлаб болаларда ўз-ўзини англаш таркиб топа бошлайди. Шунинг учун ҳам шу даврдан бошлаб болаларни системали ўқитишга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Х.Д.Ушинскийнинг фикрича, боланинг мактабдаги ўқиш фаолиятига тайёрлиги айрим психик жараёнларнинг тараққиёт даражаси билангина эмас, балки бола шахсининг умумий тараққиёт даражаси билан аниқланади.

Шундай қилиб, боланинг мактабдаги ўқишга тайёрлиги шахсни ижтимоий етуклик босқичларидан биридир. Лекин ижтимоий тараққиётнинг бундай етуклик босқичига бола ўз -ўзидан кўтарилмайди. Уни бу босқичга мактабгача таълим муассасасидаги ва оиладаги бутун таълим-тарбия иши кўтаради. Бола етти ёшга тўлганда у жисмоний жиҳатдан анча ўсади, ўзини идора қилишга, ножуха хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга, хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади.

У ўзини бемалол эплайдиган бўлади, ўз кучига яраша меҳнат қила олади, жамоада яшашга кўника бошлайди. Бу даврда боланинг турмуш тажрибаси анчагина ортади, кўп нарсаларни номини ва улардан қандай фойдаланишни билади. Хотираси ва тасаввурлари ўсиб, кўпгина шеър ва ҳикояларни ёддан билиб олади. Етти ёшли боланинг нутқи маълум даражада ривожланиб, сўз заҳиралари кўпаяди, натижада у ўз ўртоқлари ва катталар билан эркин суҳбат қиладиган бўлади. Етти ёшга тўлган болаларда ҳаракатлар ҳам мустаҳкамланади. У қайчи, игна, қалам, ручка каби қуроллардан фойдаланиш малакасини эгалай бошлайди. Бироқ бу даврда ҳам болада беихтиёр фаоллик устунлик қилади. Шу сабабли болани

қизиқтирадиган ёки унга кучли таъсир қиладиган нарсалар унинг диққатини ўзига жалб қилади.

Бола ўқиш машғулотларидан бўш пайтида ҳар хил ўйинларни ўйнашда давом этаверади. Ўйин жараёнида бола ўз-ўзини идора қилишга, ўз ҳаракатларини ўйин қоидаларига бўй сундиришга жавобгарликни сёзишга, жамоа манфаатини устун қўйишга одатланади. Ўйин ва мактабгача таълим муассасасидаги дитактик машғулотлар жараёнида болаларнинг ақл идроки, хотира ва тафаккури ўсади. Булар ўз навбатида, боланинг мактабда ўқий олиши учун психологик замин тайёрлайди. Бундай заминни тайёрлаш ва мустахкамлашда, албатта оилада ҳамда мактабгача таълим муассасасида олиб борилган таълим-тарбия ишлари хал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Мактабга бориш болаларнинг хаётида жуда катта воқеадир. Мактаб хаёти болаларга янги бир дунёни очиб беради, мактаб даврида болаларнинг асосий фаолиятлари ўзгаради. Мактаб ёшидан бошлаб болаларнинг асосий фаолиятлари, асосий вазифалари ўқиш, фан асосларини пухта ўзлаштириш бўлиб қолади. Етти ёшли болалар учун янги фаолият бўлган ўқиш улардан янги сифат, янги хусусиятларга эга бўлишларини талаб қилади.

Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг жисмоний ўсишларига қанчалик эътибор берилса, унинг ақлий ва ахлоқий ўсишларига ҳам шунчалик эътибор берилади. Болаларнинг мактабга чиқишлари доимо назарда тутилиб, улар билан ўтказиладиган таълимий машғулотларда болаларнинг идроки, диққати, тасаввури, хотиралари, хаёл ҳамда тафаккурлари, иродавий сифатлари системали равишда тараққий эттириб борилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, болаларни мактабдаги ўқиш жараёнига тайёрлашда уларнинг нутқини

ўстириш жуда зарурий шартлардандир. Бу масалани ўз даврида машҳур рус педагогларидан К.Д.Ушинский ҳам таъкидлаб ўтган эди. К.Д.Ушинскийнинг кўрсатишича, болаларнинг нутқни эгаллашлари уларнинг мактабдаги ўқишга тайёр эканликларини кўрсатувчи энг ишончли далилдир. Шунинг учун мактабдаги ўқишга тайёрлашда уларнинг ўз она тилларини яхши, пухта ўрганишларига, яъни сўз бойлигини орттиришга, тўғри талаффуз қилишларига ва тўла ҳамда тўғри жумла туза олишларига аҳамият бериш керак.

Боғча болаларини мактабга тайёрлашда уларнинг қизиқишларидан фойдаланиш лозим. Катта гуруҳ болалари мактаб хаёти билан жуда қизиқа бошлайдилар. Боғча болаларидаги бундай қизиқишни тарбиячи қўллаб-қувватлаши ва янада ортириб бориши керак. Бунинг учун мактаб ва унда ўқиш ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказиш ҳамда яқин атрофдаги мактабга экскурсия уюштириш яхши натижа беради.

Шу нарса диққатга сазоворки, боғчалардаги етти ёшга тўлган болаларнинг ҳаммаси ҳам мактабдаги ўқиш машғулотларига баб-баравар тайёр бўлавермайди. Айрим болалар мактабдаги янги шароитга тез киришиб кета олмайди. Уларда ўқиш машғулотлари учун қандайдир бир хусусият етмаётгандек кўринади. Бу ўринда шундай бир савол туғилади. Болаларни қай пайтда психологик жиҳатдан мактабдаги ўқиш жараёнига тайёр деб ҳисоблаш мумкин?

Айрим психологларнинг фикрича, бола мактабда ўқиш учун атрофдаги нарса ва ходисаларга доир анчагина тасаввур ва тушунчаларга эга бўлиши ҳамда маълум даражада ақлий жиҳатдан ўсган бўлиши лозим. Лекин бу боланинг ўқишга тайёр эканлигини аниқлашда ҳал қилувчи омил эмас, чунки бу ерда ёш масаласи ҳам бор. Бошқа бир олимлар эса боланинг ўқишга тайёр эканини

аниқлашдаги асосий нарса ирода сифатларининг етилганлигидадир дейдилар. Бу фикр бир ёқламаликка йўл қўйишдан бошқа нарса эмас.

Етти ёшга тўлиш даври гўдакликнинг тугалланиши ва ўсмирликнинг бошланиши даврига тўғри келади. Худди ана шу даврдан бошлаб болаларда ўз -ўзини англаш таркиб топа бошлайди. Шунинг учун ҳам шу даврдан бошлаб болаларни системали ўқитишга ўтиш мақсадга мувофиқдир. Х.Д.Ушинскийнинг фикрича, боланинг мактабдаги ўқиш фаолиятига тайёрлиги айрим психик жараёнларнинг тараққиёт даражаси билангина эмас, балки бола шахсининг умимий тараққиёт даражаси билан аниқланади.

Шундай қилиб, боланинг мактабдаги ўқишга тайёрлиги шахсни ижтимоий етуклик босқичларидан биридир. Лекин ижтимоий тараққиётнинг бундай етуклик босқичига бола ўз -ўзидан кўтарилмайди. Уни бу босқичга мактабгача таълим муассасасидаги ва оиладаги бутун таълим-тарбия иши кўтаради. Бола етти ёшга тўлганда у жисмоний жихатдан анча ўсади, ўзини идора қилишга, ножўя хатти-ҳаракатлардан ўзини тийишга, хулқ-атвор қоидаларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. У ўзини бемалол эплайдиган бўлади, ўз кучига яраша меҳнат қила олади, жамоада яшашга кўника бошлайди. Бу даврда боланинг турмуш тажрибаси анчагина ортади, кўп нарсаларни номини ва улардан қандай фойдаланишни билади. Хотираси ва тасаввурлари ўсиб, кўпгина шеър ва ҳикояларни ёддан билиб олади.

Етти ёшли боланинг нутқи маълум даражада ривожланиб, сўз захираси ортади, натижада у ўз ўртоқлари ва катталар билан эркин суҳбат қиладиган бўлади. Етти ёшга тўлган болаларда ҳаракатлар ҳам мустаҳкамланади. У қайчи, игна, қалам, ручка каби қуроллардан фойдаланиш малакасини эгалай бошлайди. Бироқ бу даврда ҳам болада беихтиёр фаоллик ҳам устунлик қилади. Шу сабабли болани

қизиқтирадиган ёки унга кучли таъсир қиладиган нарсалар унинг диққатини ўзига жалб қилади. Шунини ҳам айтиш керакки, етти ёшли бола мактабга чиққандан кейин ҳақиқатдан ҳам жуда катта ўрин эгаллайди. Бола ўқиш машғулотларидан бўш пайтида ҳар хил ўйинларни ўйнашда давом этаверади. Ўйин жараёнида бола ўз - ўзини идора қилишга, ўз ҳаракатларини ўйин қоидаларига бўй сундиришга жавобгарликни сезишга, жамоа манфаатини устун қўйишга одатланади. Ўйин ва мактабгача таълим муассасасидаги дидактик машғулотлар жараёнида болаларнинг ақл идроки, хотира ва тафаккури ўсади. Булар ўз навбатида, боланинг мактабда ўқий олиши учун психологик замин тайёрлайди. Бундай заминни тайёрлаш ва мустаҳкамлашда, албатта оилада ҳамда мактабгача таълим муассасасида олиб борилган таълим-тарбия ишлари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.



II-БЎЛИМ

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ

II.1. Бошланғич синф ўқувчилари тарбиясининг асосий мезонлари

Таълим муассасаларида ўқувчи ва ўқитувчи муносабатлардаги нохушлик бошланғич синф ўқувчилари тарбиясига мунтазам ёндашувнинг йўқлиги тарбиявий муносабатларда ўқувчиларнинг ёш ва индивидуал психологик ҳамда жисмоний хусусиятларини ҳисобга олмаслик, тарбия усулларини нотўғри қўлланилиши ўқувчи хулқида салбий иллатларни аста-секин шаклланишига олиб келиши мумкин.

Гарчи кичик мактаб ёшдаги болаларда характер ҳали тўлиқ таркиб топмаган бўлсада, унда кутилаётган бўлажак характернинг асослари, деб аталиши мумкин бўлган психик сифатлар мавжуддир. Ана шу асослардан барқарор фазилатлар аста-секин ҳосил бўла боради.

Бу даврда бола характерида шаклланаётган салбий хислатлардан ўжарлик, инжиқлик, қўполлик, ёлғончилик, манманлик, худбинлик ва ҳ.к. таълим фаолиятида яққол кўринади.

Тарбия жараёнининг натижалари одатда бир хил характерда бўлмайди. Бу нарса ўқувчиларнинг психологик (индивидуал-типологик) физиологик ва жисмоний хусусиятларига, уларнинг ҳаётий ва маънавий тажирабсига, шахсий позициясига боғлиқ.

Шу билан бирга тарбия турлари - ахлоқий, ақлий, жисмоний, эстетик, экологик, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий тарбиялар ўзининг хусусий мақсадидан келиб чиққан бир қатор вазифаларни амалга оширади.

Бошланғич синф ўқувчилари тарбиясининг асосий мезонлари сифатида қуйидаги йўналишларни киритишимиз мумкин:

- ахлоқий тарбияни ташкил этиш жараёнида - ўқувчиларни ижтимоий-ахлоқий меъёрлар мазмунидан хабардор этиш, уларга ахлоқий меъёрларнинг ижтимоий ҳаётидаги аҳамиятини тушунтириш, уларда ижтимоий-ахлоқий меъёрлар (талаб ва тақиқлар)га нисбатан ҳурмат ҳиссини қарор топтириш асосида ақлий онг ва маданиятни шакллантириш;

- ақлий тарбияни йўлга қўйиш чоғида ўқувчиларни илм-фан, техника ва технология борасида қўлга киритилётган ютуқлардан, янгилик ва кашфиётлардан бохабар этиш, уларга ижтимоий фанлар асослари хусусидаги билимларни бериш тарзида уларда тафаккур қобилиятини қарор топтириш, дунёқарашини шакллантириш;

- жисмоний тарбияни ташкил этиш жараёнида - ўқувчиларни ўз соғлиқларини сақлаш ва мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш, жисмоний жиҳатдан тўғри ривожланишни ҳамда унинг ишлаш қобилиятини ошириш борасида ғамхўрлик қилиш туйғусини юзага келтириш, уларда янги ҳаракат турлари борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. Уларни махсус билимлар билан қуроллантириш, ўқувчиларнинг ёшига, жинсига мувофиқ келадиган (куч, тезкорлик, чаққонлик, чидамлик, сабот, матонат, чидам, ирода ва характерни қаро топтириш) асосий ҳаракат сифатларини ривожлантириш, уларда шахсий гигиенани сақлашга нисбатан онгли муносабатларни тарбиялаш;

- эстетик тарбияни олиб бориш жараёнида ўқувчиларда эстетик ҳис-туйғу, эстетик дидни тарбиялаш, уларнинг ижодий қобилиятларини, эстетик эҳтиёжларни, гўзалликни севиш ва гўзалликка интилиш қобилиятларини тараққий эттириш, эстетик маданиятни шакллантириш;

- экологик тарбияни олиб бориш чоғида ўқувчиларга экологик билимлар бериш асосида шахс, жамият ва табиат борлиғи ҳамда

алоқадорлигини ўқувчиларга тушунтириш, уларда экотизмнинг инсон инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва аҳамияти борасида тушунчаларни қарор топтириш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъуллик билан муносабатда бўлиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш каби туйғуларни қарор топтириш, шунингдек экологик маданиятни шакллантириш;

- иқтисодий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш асосида мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, бозор инфраструктураси қоидаларига амал қилиш, ички бозорни тўлдириш, кичик ва ўрта бизнесни яратиш борасидаги фаолият жараёнида иштирок этиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш, инсон меҳнати билан бунёд этилган моддий бойликларни асраш, уларни кўпайтириш борасида қайғуриш туйғуларини қарор топтириш иқтисодий маданиятни шакллантириш;

- ҳуқуқий тарбиялашни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга давлат Конституцияси давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи фуқаролик, оила, меҳнат, хўжалик, маъмурий нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтириш, улар онгига ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларнинг шахс ва жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги тасаввурга эга бўлишларини таъминлаш, уларда ҳуқуқий онг, шунингдек, ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш;

- ғоявий-сиёсий тарбияни ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга сиёсий билимларни бериш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллий давлат тузилиши, давлат муносабатлари тизими фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати мазмунини ўрганишни таъминлаш асосида ўқувчилрда сиёсий фаолият кўникма

ва малакаларини топтириш, сиёсий маданиятни шакллантириш ва бошқалар.

Ёшларни миллий истиқлол ғоялари ва миллий мафкура руҳида тарбиялашда байрам тадбирлари воситасида маънавий-маърифий юксакликни сингдириш долзарб масаладир. Инсоният тарихида азал-азалдан шаклланиб такомиллашиб келаётган байрамлар, бевосита ва билвосита экология билан чамбарчас боғлиқлигини кўрамиз. Байрам шукуҳи ҳар бир ўқувчи қалбига кўтаринки руҳ, яшаш, яратиш шижоатини бахш этар экан, бунда атроф муҳитнинг софлиги, сувнинг, ҳавонинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёс эканлигини теран англаб етмоқлигини тақозо этади. Ёшлар онгига “келажакнинг эгаси” деган маъсулиятни сингдириш, бугунги кунда ҳар томонлама жавобгарлик ҳиссини оширади ва англаб етиш заруратини белгилайди. Бу борада, Она табиат қўйнида озод, ҳур яшаш тарзини, барча қонун-қоидаларини онгли ўзбек зиёлиси сифатида билиши, ҳаётга тадбиқ этиш муоммоси билан яшаш маъсулиятини жорий этиш давридир.

- Байрамларнинг мавжудлиги Она табиатнинг мавжудлигидир. Она заминни мадҳ этиш, ҳам назарий, ҳам амалий билимларни атрофлича такомиллаштириш демакдир. Байрамлар ва байрам қўшиқларининг мавжудлиги уни авайлаб асрашга, экологик тарбия самарадорлигини оширишга олиб келади. Байрам тадбирлари ва байрам қўшиқлари воситасида ёшларни маънавий-маърифий тарбиялашда, атроф муҳитни эъзозлашда, экологик тарбиянинг турли услуб ва усулларини кашф этишда, табиатдаги мавжуд ҳар бир нарсага ижодий ёндошмоқлик замон талабидир.

- Умуминсоний ва умумбашарий муаммоларда ўқувчилар, Ватан, она замин учун жонини қурбон қилиш учунгина эмас, Ватан ичра озод, ҳур, эркин ижод ва меҳнат завқи билан яшаш, ўз ватанига меҳр –

муҳаббатли бўлиб, уни ардоқлаш, асраш таянч тушунчасига айланиши лозим.

- Тарихимиз саҳифалардан байрамларга аждодларимизнинг муносабатини ўрганар эканмиз, бу қадриятларимизни уларнинг улуғлаб эъзозлаганликлари учунгина эмас, ҳар биримиз онгли тарзда байрамлар замиридаги манбаларни, аввало ўз-ўзимизни атрофлича ўрганиб, ўзлигимизни, ақл заковатимизни, шахс сифатида янгидан кашф этишимизга олиб келади. Ватан ичида яхши яшамоқ учун, ёшлар онгига кундан кун самарали меҳнат қилмоқ, мазмунли ҳаёт кечирмоқ эканлигини сингдириш лозим.

- Чинаккам меҳнат ёшлар учун мақсад сари дадил интилмоқ, ўқиш ва ўрганишни ҳаётга тадбиқ этишдир. Барча жабҳаларда амалга оширилган мақсад ва вазифаларни ҳар бир ёш сарҳисоб қила олиш одати муҳимдир.

- Ёшларнинг ўқиш ва ишларидаги муаммоларини, ақл заковати билан назорат қила олиши, улардаги жавобгарлик маъсулиятини англаб етиш масаласига айланади. Шундай экан, ҳар бир ёш, она заминда яшаб ижод қилар экан, атроф муҳитга бефарқ бўлиши мумкин эмаслиги муҳимдир.

- Маънавий-маърифий тадбирлар воситасида ёшларни юксак маънавий-ахлоқий тарбиялашда, атроф муҳитни эъзозлашга, экологик тарбиянинг тўлиқ услубларини кашф этишга, уларни ижодий ёндошишга, барча тадбирларни қизиқарли, таъсирчан ташкил этишга ўргатиш лозим. Инсон тириклигида байрам ва байрам қўшиқлари қанча муҳим бўлса, экологиянинг софлиги ҳам муҳимдир. Сувни, ҳавони, она заминни асраш ёшларни тарбиялашда долзарб мавзу эканлигини, узлуксиз уларнинг онгига сингдириш, келажакнинг тамал тошини қўйишдек муҳим ва муқаддас вазифадир.

- Бу борада ёшларни маънавий-маърифий тадбирлар воситасида тарбиялашнинг имконияти каттадир. Масалан, она табиат кучоғида байрам тадбирларни ташкил этиш, табиий саҳналардан декорациялар ўрнида унумли фойдалана олиш, оммавий байрам иштирокчилари ва томошабинларни зийракликка, нафис дидни, тарбиялашга, диловорликка, табиат ва она заминни улуғлашга инсон қалбини авайлашга, эъзозлашга ўргатади.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан маънавий қадриятлар асосида ёшларни тарбиялаш масаласига эътибор кучайтирилди. Шу маънода ёшлар тарбиясини маънавий-ахлоқий қадриятлар билан уйғун ҳолда ташкил этиш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллий қадриятлар шахсни шакллантиришда муҳим ва асосий омил ҳисобланади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлардан тарбия жараёнида фойдалашнинг мазмуни ва ўзига хос усулари шарқ мутафаккирлари Ал-Фаробий, Абу-Райхон Беруний, Ибн-Сино, Махмуд Қашғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Насриддин Тусий, Жалолиддин Давоний, Алишер Навоий, Хусайн Воиз, Кошифий ва бошқаларнинг таълимий-ахлоқий асарлирида ўз ифодасини топган. Бу асарлар ҳозирги даврда ҳам қадрият сифатида, ҳам ёшларда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳим тарбиявий дастур дейшимиз мумкин. Алломаларнинг мазкур таълимий-ахлоқий асарлари қадрият сифатида миллий тарбиянинг асосий хусусиятларини ўзида мужассам этган маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантиришда муҳимдир.

Булар - биринчидан, одоб-ахлоқ тарбиясидир. Бу болаларни гўдакликдан бошлаб тўғри тарбиялашдан иборатдир. Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»нинг I жилдида «Фарзанд тарбияси» бўлиши болаларни тарбиялашнинг ана шу муҳим даврига бағишланади.

Миллий тарбия анъаналарида одоб-ахлоқга бундай катта эътибор “Инсонда ахлоқий камолот – ҳаёт мазмуни ва мақсади, бурч ва масъулият, бахт, диёнат, яхшилик, ёвузлик, ҳақ ва ноҳақлик тўғрисидаги тушунчаларнинг шаклланишига асос бўлади. Инсоннинг билими, касби, ҳунари, малакалари ҳам муайян даражадаги ахлоқ ва одоб асосида шаклланади”¹.

Бу борада кекса авлоднинг бой тажрибаси муҳим роль ўйнайди. Чунки кексаларнинг вазминлик, ўйлаб, мулоҳаза юритиб иш кўриши кабилар маънавий бойлик саналади.

Бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама маънавий баркамол инсон сифатида шакллантириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Республикамиз биринчи Президенти Ислоҳ Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли китобида «Ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий мерос маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омилардан бири бўлиб хизмат қилади»², - деб таъкидлайди.

Ҳақиқатан ҳам қадриятларимиз ва маънавиятимизни қайта тиклаш учун зарур шарт-шароитлар яратмасдан туриб, бу муҳим вазифани амалга ошириб бўлмас эди.

Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти бевосита унинг маънавий-ахлоқий негизларини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- ҳалқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш;
- инсон ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;

¹ Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.: Университет, 1998, 121-б

² И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Манавият, 2008, 29 б.

- ватанпарварлик дан иборатдир.

Зеро, ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий тарбиясида миллий қадриятлар муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, ҳар бир миллатнинг маънавий бойлиги миллий ва умуминсоний қадриятлардан таркиб топади. Асрлар давомида халқнинг маънавий эҳтиёжлари асосида шаклланган қадриятларда олға сурилган илғор ғояларни ўз онгида шакллантирган, уларнинг моҳиятини амалий фаолиятида намоён қила оладиган, ёшларгина мустақил республикамиз тарраққиётига ўз ҳиссасини қўша олади.

Бу эса ўз навбатида умуминсоний ва миллий қадриятларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишни талаб этади.

Мазкур вазифани амалга оширишда таълим муассасалари масъул ҳисобланади. Таълим тарбия олдида қўйилган муҳим мақсад ҳам умуминсоний ва миллий қадриятларга таянган ҳолда таълим-тарбия мазмунини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш ва унинг узвийлиги, изчиллиги, илмийлиги ва дунёвийлиги асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни назарда тутати. Маънавий-ахлоқий қадриятлар инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари асосида ақл-заковат билан яратилган, уларнинг тасавури, тафаккури, келгуси орзу-истаклари, эътиқоди, ахлоқ қоидаларини ўзида мужассам этган, амалий ҳаётда сайқал топган маънавий бойлик бўлиб, тарбиянинг таянч воситаси ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда маънавий-ахлоқий қадриятлар тарихий босқичига эга, ҳаёт синовидан ўтган, авлоддан-авлодга ўтиб ижтимоий тараққиётда хизмат қилувчи ижтимоий ходисадир. Шунингдек, жамият ривожининг негизи, халқнинг тарихий тараққиётида эришилган барча ютуқларини ифодалувчи ва сақловчи қудратли омилдир. Демак, таълим-тарбия жараёнида умуминсоний ва

миллий қадриятларнинг устуворлигига эришиш ёш авлод тарбиясининг омилидир.

Бошланғич синф ўқитувчилари олдида муҳим вазифалар қўйилган: болани соғлом, ҳар томонлама - ақлий, маънавий-маданий етуклигини таъминлаш, унинг миллий маданий ва умумбашарий қадриятлар асосида камол топиши учун замин яратишдир. Комил инсон тушунчасини фақат интеллектуал маданий-маънавий етук, бахтли инсон деб, тушунилса хато бўлади.

Ҳақиқий баркамол инсон ҳаётда ўз ўрнини топган, танланган касб-хунаридан бахтини, жамоа ўртасида обрў эътиборини қозонган инсонни меҳнатсевар халкимиз баркамол бахтли инсон деб тан олади.

Инсон бахтли бўлиши учун унинг меҳнат лаёкатига, тўғри танланган касб хунарига бўлган юксак муносабатларига боғлиқдир. Шундай экан, болани касбга йўналтиришни кичик мактаб ёшиданоқ бошлаш мақсадга мувофиқдир. Қайси ота-она ёки мураббий ўз фарзандини, шогирдини бахтли бўлишини истамайди дейсиз?

Бошланғич синф ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ишларини теварак-атроф ва табиат билан таништириш, нутқ ўстириш ва бадий адабиёт, тасвирий фаолиятни ташкил этиш машғулотларида, сайр ва экскурсия, суҳбатлар ва қизиқарли учрашувлар, хуллас кун давомида олиб бориш имкониятлари бисёр.

Бошланғич таълимнинг 1-синф ўқувчилари билан ўтказиладиган «*Ким бўлсам экан?*» қизиқарли дидактик ўйин давомида доктор, учувчи, ҳайдовчи, милиционер, космонавт, ўқитувчи, артист, деҳқон, тикувчи каби касб-хунарларга бўлган қизиқишлари ривожлантирилади.

Айниқса ўзбек миллий хунармандчилик билан таништириш давомида болалар нафақат қадимий касб-хунарлар ҳақида маълумот олишлари, балки гилам тўқувчи касби, этикдўз, кулол, чилангар,

наққош, дўппидўз каби ҳунарларга ҳавас - қизиқиш пайдо бўла бошлайди.

Ўқувчиларни турли касб-ҳунар маҳсулот намуналари билан таништириш давомида бу касб эгаларининг машаққати, оғир меҳнати туфайли яратилганлиги, ҳар қандай буюм кўп меҳнат эвазига яратилишини уқтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнатсевар этиб тарбиялаш, меҳнатга бўлган муносабатларини шакллантириши илк бор ўз ўзига хизмат қилишдан, гуруҳларда навбатчилик қилиш, гулларни парвариш, ҳовлидаги майдончанинг тозалигини сақлаш каби топшириқлардан бошланади. Ушбу топшириқларни бажаришида ўқувчида топшириқни бажариш иштиёқини, ҳавасини уйғотиш муҳим. Бажарилган топшириқ учун, машғулотда чизган расм учун ўқувчи рағбатлантирилса, унда шу каби ишларни янада яхшироқ, пухтароқ бажаришга иштиёқ пайдо бўла бошлайди, ҳар қандай ишни тиришқоқлик билан, бекаму-кўст бажариш кўникмалари шаклланади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни мустақил меҳнат фаолиятига амалий ва психологик жиҳатдан пухта тайёрлаш бошланғич таълим олдида турган энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу даврда уларда меҳнатга яхши муносабатда бўлиш асослари таркиб топа бошлайди, меҳнатга ҳавас уйғониб ижтимоий фойдали ишларда иштирок этиш ҳисси тарбияланади. Бинобарин, унинг энг яхши ахлоқий сифатлари илк бор ижтимоий фойдали меҳнат жараёнида шаклланади. Онгли равишда бажарилган муҳит меҳнат ва шахс камолотига ҳамиша ижобий таъсир этади. Шу жараёнда шахснинг барча сифатлари, психик жараёнлари, хусусиятлари ва физиологик чиниқиши намоён бўлади.

Келажакгимиз эгалари бўлган ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда таълим муассасаларининг ўрни каттадир. “Таълим

тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” асосида шаклланган узлуксиз таълим тизими ишларини тўғри йўлга қўйишда муҳим рол ўйнайди.

Ўқувчиларнинг ёшига мос равишда Ватанга, халққа муҳаббат, садоқат, ватанпарварлик, миллий истиқлол сояси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш мактабгача таълим муассасаларидаги ишларини асосини ташкил қилади.

Бошланғич синф ўқувчиларининг жисмонан бақувват, ақлан етук бўлиши ҳамда узоқ умр кўриши соғлом турмуш маданияти билан белгиланади. Шарқ халқларида ўқувчиларни кичик ёшдан бошлаб соғлом турмуш тарзи руҳида тарбиялашда ўйин фаолиятидан ўрнили фойдаланиб келинган. Бошланғич синф ўқувчисининг етакчи фаолияти таълим фаолияти бўлсада, ўйин ҳам ҳали етакчи ҳисобланади. Ўйин орқали ўқувчилар жисмоний, ақлий, руҳий ва маънавий жиҳатдан камол топади. Ўйин ўқувчи учун нафақат ташқи дунёни, нарса ва ҳодисаларни билиш балки, қудратли тарбия воситаси ҳамдир. Ўйинлар орқали уларда юксак инсоний хислатлар, соғлом турмуш маданияти тарбияланади. Айниқса, халқ ўйинлари орқали ўзбек миллий хусусиятимизга хос ахлоқий-маънавий фазилатлар, дастлабки меҳнат кўникма ва малакаларини сингдирилади. Халқ ўйинлари маънавий меросимизнинг энг қадимги қатламларига хос қадриятлар тизимига кириб, халқ оммасининг ижодий салоҳияти натижасида юзага келгалиги, асрлар давомида бадиий-эстетик анъана тарзида яшаб келаётганлиги билан характерланади.

II.2. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик ва ахлоқий тарбиялашда тарбия усулларини қўллаш муаммоси

Тарбияли бўлиш - бу хулқ-атворини назорат қилишдан иборатдир: бундай назорат ўқувчини ёмон хатти-ҳаракатларни бажармаслик имкониятини беради. Агар шахс хулқ-атворини ахлоқийлиги ҳақида қайғурса, у ижтимоийлашувга эришган бўлади.

Тарбияланганлик ижтимоийлашувни ўрганиш жараёни сифатида қараладиган ёш психологиясида олинган натижаларга асосланади: ўқувчи ўзини эгоцентрик эмас, балки тарбияли тутиши учун тарбияланганлик рағбатлантирилиши керак.

Халқимиз азалдан маънавий фазилатларга бой бўлиб келган. Ҳар бир педагог ва ота-оналар томонидан болалар тарбиясида уларнинг хулқ-атвори, юриш-туришига, жамиятда ўзини тутишига айниқса эътибор қаратилган. Уларнинг катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатишларини, ўринсиз ножўя ҳаракатларга йўл қўймасликни бола тарбиясининг аҳамиятли омили деб қараганлар. Бошланғич синф ўқувчилик даврдаги ривожланишини атроф муҳитни, умумий дунёни эстетик идрок этишга тайёрлик даври деб қараш мумкин. Бола шу даврда баъзи аниқ шаклларни: ритмик шаклларни, мусиқа овози, очиқ ранглар, ота-онаси, атрофдагилар ва ўқитувчининг кўнгил куйи, меҳри, кайфияти, табассуми ва ёқимли оҳанглари ҳис этади ва уларга жабов беради.

Бу даврда ўқувчиларнинг ҳиссий идроки ривожланиб боради. Кейинчалик ўқувчининг идроки янада такомиллашиб, нафақат баъзи предметлар хусусиятларини идрок этиш, балки баъзи санъат асарларини эстетик томонларини ҳам идрок этишни бошлайди. Бунда таълим жараёни муҳим омил ҳисобланади.

Ўқувчи атрофдаги ҳиссий таъсирни вужудга келтирувчи нарсаларни кўриш орқали нутқи ривожланади, сўз бойлиги эстетик

хусусиятлар билан бойиб боради: гўзал - ҳунук, тоза - ифлос, катта - кичик, қувончли - қувоничсиз ва ҳ.к. Ўқувчилар бадиий фаолиятининг (муסיқа, тасвирлаш, бадиий сўз) баъзи турларини биргаликда амалга оширади.

Кичик мактаб ўқувчиларининг эстетик диди секин-аста ривожланиб, такомиллашиб боради. Бадиий асарлар ва уларнинг ритми, рифма, ранги каби элементларини идрок эта бошлайди. Энди ўқувчи бадиий асарда тасвирланган ўзига таниш предметларни кўрганида жуда қувонади ва уларни тасаввуридан ўтказишга ҳаракат этади. Шу каби унинг бадиий фаолияти аста-секин оддийдан мураккабликга ўтиб боради. Улар нафақат тасвирлашда, балки муסיқа дарсларида ҳам оддий малакаларни эгаллайди, буни эса ижодий фаолиятининг дастлабки аломатлари сифатида намоён қила бошлайди. Булар эса ўқувчида бошланғич синф давридаёқ бадиий фаолиятнинг эстетик сифатини шаклланаётганини кўрсатади.

Бошланғич синф ўқувчисининг идрок этиши анча ривожланади, унинг аниқлиги ва хилма-хиллиги намоён бўлади. Бу даврдаги эстетик идрок этиш боланинг хусусий тажрибасига ва унинг қизиқишларига асосланади. Эндиликда бола бадиий образларни эстетик баҳолаш, баъзи эстетик воситаларни ҳис қила олиш, санъат асарларини маъносига тушуна олиш кўникмаларига эга бўла бошлайди. Болалар эндиликда ашулани қора сўздан, бадиий асар, муסיқа ва тасвирий санъат жанрларни бир-биридан фарқлай олади. Уларда ижодорликка интилиш аниқ намоён бўла бошлайди, бола рақсни, қўшиқ айтишни ва сахна кўринишларни аниқ тарзда образли этиб беришга ўқувли бўлади.

Ўқувчилар муסיқа ва бадиий асарларни кичик ёшдагиларга нисбатан диққат билан тинглаши, тасвирий санъат асарларини тасаввур қилиш, уларни чуқурроқ тушиниш, яхшиликка қувониш,

ёвузликка мурасасиз бўлиш имконига эга бўлишади. Бу даврда бадий-ижодкорлик кўникмалари жадал ривожланади, топишмоқлар, кўшиқлар, тақмоқларни амалда ишлатади, расмлар чизади, аппликациялар билан шуғулланади. Бу даврда ўқувчилар нафақат ўз ижодкорлигига, балки бошқалар ижодкорлигига ҳам баҳо бериш кўникмаларини эгаллайди. Ўқувчилар энди санъат асарларининг фақат эстетик сифатларини тасаввур этибгина қолмасдан, балки уларнинг маъно-мазмунларини ҳам англай олади. Ўқувчиларда санъат асарларини ва кундалик турмушда учрайдиган гўзалликка қизиқишлари шаклланади. Бадий ижодкорлик кўникмалари зарурли шаклдаги турғун ва аниқ кўзга ташлана бошлайди.

Шу айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, бошланғич синфларда эстетик тарбия масалаларини чуқурроқ тушиниб етиш учун уни тўртта гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) эстетик идрокни ривожлантириш, эстетик эмоциялар, ҳиссий туйғулар ва муносабатлар, қизиқишларни шакллантириш;
- 2) эстетик онгни шакллантириш;
- 3) эстетик фаолиятни ўзлаштириш;
- 4) эстетик ва бадий ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш.

Эстетик тарбия мазмунига билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, ўқувчиларнинг эстетик фаолиятида амалга ошириладиган эстетик туйғу, қизиқишлар, талаблар, баҳолаш ва дидни тарбиялаш каби масалалар киради.

Атроф муҳитни эстетик идрок этиш жараёнида ўқувчилар гўзаллик туғрисидаги билимлари шаклланади. Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синфларда эстетик тарбиянинг барча жабҳаларини биргаликда амалга ошириш бизнинг келажагимиз

бўлган ёшларни ҳар томонлама етук инсон этиб тарбиялашда ўзига хос улуши бор.

Тарбия ўз моҳиятига кўра ижтимоий жиҳатдан ижобий эҳтиёжларни ҳосил қилинишидан иборат жараён дир. Агар таълимнинг мақсади ўқувчининг онгини шакллантириш бўлса, тарбия унинг онгсизлик сферасига таъсир этиш дир. Болаларга уларни тарбиялайдиганларга ҳиссий яқинлик хос. Одатда 6 ойлик болалар унга ғамхўрлик қиладиган ота-онасига боғланиб қоладилар. Ота-онанинг олдида бўлиш, улар билан мулоқотда бўлиш болаларга жуда ёқадди, уларнинг йўқлиги болага ёқмайди. Ота - онанинг ғамхўрлигини билдирадиган сўзлар, хатти-ҳаракатлар бола учун жуда катта аҳамиятга эга, уни эркаламаслик, суймаслик салбий аҳамиятга эга бўлади. Хулқ-атворнинг дастлабки ижтимоийлашуви худди шу ўрганиш жараёни орқали содир бўлиши мумкин: хулқ-атворнинг исталган шакллари ғамхўрлик ва эътибор билан тақдирланади, кутилмаган шакллари эса қўллаб-қувватланмайди. Лекин яхши хулқ-атворни рағбатлантириш ва ёмон хулқ-атвор учун жазолаш ахлоқий ижтимоийлашувнинг кичик бир қисми дир. Биз кўриб чиққан хулқ - атвор ҳамма болаларга ҳам тааллуқли эмас.

Ўқувчиларни тарбиялаш самарадорлигини оширишда анъана ва урф-одатларни роли катта. Халқ урф-одатлари, анъаналари ва маросимлари катта тарбиявий аҳамиятга эга дир. Улар ўқувчиларни бир-бирига яқинлаштиради, дўстлик-биродарлик ҳис-туйғуларини ривожлантиради. Булар ўз навбатида ўқувчилар учун ибрат намнасини ўтайди.

Мустақил жамиятнинг бахт-саодати йўлида ҳалол меҳнат қилиш: жамият бойлигини сақлаш ва кўпайтириш йўлида ҳар бир ўқувчининг тинмай ғамхўрлик қилиши: ижтимоий бурчни яхши англаш; жамият ҳаётида ва шахсий ҳаётда ҳалоллик ва ростгўйлик,

ахлоқий софдиллик, ўқувчийлик ва камтарлик, миллий ва ирқий адовтларга асло йўл қўймаслик ва шу кабилар тарбия жараёнининг муҳим жихатларидир.

Тарбия жараёнида ғамхўрликнинг функцияси каттадир. Ўқувчилар бефарқ ўқитувчиларга нисбатан ғамхўр ўқитувчиларига кўпроқ тақлид қиладилар. Ғамхўр ўқитувчилар ўқувчининг салбий хулқ-атворини қўллаб-қувватламаганда бола ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатини эртароқ англайди.

Тарбиявий жараён амалга оширишда ғамхўрлик билан бир қатордла яхши кўришга асосланган интизомга риоя қилиш зарурдир. Бу ўқувчи билан доимий мулоқотни - тушунтиришни, муҳокама қилишни, агар ўқувчининг хулқ-атвори шуни талаб қилса, оғзаки танбеҳ беришни, яхши хулқ-атвор учун тақдирлашни назарда тутлади.

Бошланғич синфларда тарбия жараёнининг технологиясини қуйидагича шархлаш мумкин:

1. Ўқувчи ўқитуви томонидан алоҳида такрорланмас индивидуаллик сифатида тушунилмоқ лозим. Ўқитувчи ўз фаолияти давомида ўқувчиларнинг эҳтиёжлари структураси аниқлаб бориши керак.

2. Ўқувчиларнинг ижобий эмоциялари воситасида ижобий хулқ - атвор одатларини шакллантиришга эришмоқ керак.

3. Ижобий эҳтиёжларни қондириш воситалари билан ўқувчини қу-роллантириш ўқитувчидан мулоқотни ҳам эмас, ҳамдардликни ҳам эмас, айнан шу воситалар билан қуроллантиришни кутади. Яъни, Арасту айтганидек: *«Тарбия уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа».*

II.3. Бошланғич синф ўқувчиларида иродавий ҳаракатларнинг шаклланиши

Маълумки, бошланғич синф ўқувчиларининг эҳтиёжлари ижтимоий муносабатлари тараққиётига қараб ўзгаради. Шу боис катталар каби ўқувчилар ҳам ўз эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади. Бошланғич синф ўқувчилари ўз ҳаракатлари ёрдами билан таълим муҳитига мослашади ва ундан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланади. Лекин шу билан бирга ўқувчи ўз иродаси билан муҳитни ўз эҳтиёжларига мувофиқлаштириб ўзгартиради, қайта қуради ва ўзига мослаштиради.

Ўқувчининг шахс сифатидаги фаоллик хусусияти шундан иборатки, ўз эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берадиган ҳаракатлари инстинктив ҳаракатлар эмас, балки асосан оқилона, онгли ҳаракатлардир. Бу онглилик шундан иборатки, унда ўқувчи олдиндан бирон-бир мақсадни кўзлаб ҳаракат қилади, шу мақсадга етишиш учун ёрдам бера оладиган воситали йўл ва усулларни олдиндан қидириб топади, тўсқинлик ва қийинчиликларни енгиш учун онгли равишда куч-ғайратини ишлата олади.

Ўқувчиларнинг иродавий ҳаракатларини икки туркумга бўлиш мумкин. Улардан биринчиси ихтиёрсиз ҳаракатлар бўлса, иккинчиси ихтиёрий ҳаракатлардир.

Ихтиёрий ҳаракатлар ирода билан боғлиқ бўлган ҳаракатлардир. Ихтиёрий ҳаракатлар олдиндан белгиланган мақсад асосида тўла онгли равишда амалга ошириладиган ҳаракатлардир. Лекин ихтиёрий ҳаракат деганда, фақат жисмоний ҳаракатлар эмас, балки, ақлий ҳаракатлар ҳам тушунилади.

Мақсадни ва унга етиш йўлини танлаш жараёнида унга маъқул ёки номаъқуллиги нуқтаи назаридан баҳо берилади. Мақсадни ва унга

етишиш йўллариининг маъқуллиги ёки номаъқуллигини белгилаб берадиган ҳамма нарса иш-ҳаракат мотивлари деб аталади.

Мақсадга етишиш йўллариини ва воситалариини танлаш жараёнида режалаштириш, мотивлар кураши билан боғланган бўлиб, қарорга келиш билан тугайди. Қарорга келиш-муайян бир мақсадни ва шу мақсадга эришиш йўлида ҳаракат усулларииндан бирини танлаб олиш демакдир. Мотивлар курашида бунинг маъноси шўқи, мотивлардан бири ҳал қилувчи роль ўйнаган бўлади. Масалан, кечқурун қаёққа бориш керак – театрдами ёки ўртоғининг ёнигами-деган мотивлар кураши натижасида ўқувчи бормоқчи бўлган жойи ҳақида қарорга келади.

Қарор унга мувофиқ келадиган чоралар кўриш ва ҳаракат қилиш учун қабул қилинади. Қарордан ҳаракатга ўтишни ижро қилиш (ёки бажариш) дейилади. Иродавий жараёнда энг муҳим нарса-қабул қилинган қарорни ижро этишдир.

Иродавий ҳаракатлар икки хил бўлади: жисмоний ва ақлий ҳаракатлар. Жисмоний ҳаракатларга ҳар хил меҳнат операциялари, ўйин, спорт машғулотлари ва бошқалар. Киради. Ақлий ҳаракатларга эса масала ечиш, ёзма ишлар, дарс тайёрлаш, илмий тадқиқот ишлариини олиб бориш ва шу кабилар киради. Кўп вақт такрорланиб, ўзлашиб кетган кўникма ва одат бўлиб кетган ҳаракатлар ҳам мураккаб иродавий ҳаракатлардандир.

Қабул қилинган қарор тўғридан-тўғри, автоматик равишда амалга оширилавермайди. Қабул қилинган қарорни амалга ошириш учун онгли равишда иродавий зўр бериш ҳам керак. Иродавий зўр бериш онгнинг аввало нерв-мускул апаратининг зўриқишида ифодаланади ва организмнинг ташқи кўринишларида намоён бўлади. Иродавий зўр беришнинг ана шу ифодали томони ўқувчининг ирода

ҳолатини тасвирловчи бадиий асарларда гавдалантирилганини кўп учратиш мумкин.

Ўқувчининг иродавий сифатлари яъни ирода кучи, мустақиллиги жиҳатидан айрим ҳолларда турлича намоён бўлади. Ҳар бир ўқувчида ироданинг айрим сифатлари мустаҳкамланиб, шу ўқувчининг хусусий сифатлари (яъни доимий хислатлари) бўлиб қолиши мумкин. Шахснинг бу ўзига хос хусусиятлари характер хислатлари деб аталади. Ҳар бир ўқувчидаги бирон бир иродавий сифатларнинг ҳар қандай намоён бўлиши шу ўқувчи характерининг хислати бўлавермайди.

Айрим ҳолларда ҳатто тасодифий равишда ўқувчи кучли ирода кўрсатиши мумкин, айрим ҳолларда мазкур ўқувчининг иродаси, умуман кучли ирода кучи шу ўқувчи характерининг хислати эканлигидан далолат беравермайди. Бу ўқувчининг иродаси кучли деб айтиш учун унинг ирода кучини бир марта эмас, бир неча мартаба намоён қилганини билмоқ керак.

Ўқувчининг характерини таърифлаганимизда фалон ўқувчи дадиллик қилди, рост гапирди демасдан, балки бу ўқувчи дадил, ростгўй, тўғрисўз деб атаймиз. Бунинг маъноси шўқи дадиллик ва ростгўйлик, тўғрисўзлик шу ўқувчининг хусусиятларидир, характер хислатларидир, тегишли шароитда бу ўқувчи дадиллик, ростгўйлик, тўғрисўзлик хислатларига эга эканлигини намоён қилди деб айтаемиз. Ўқувчи характерини, хислатларини билиб олгач, унинг бирон иш-ҳаракатда қандай йўл тутишини анча аниқ билиб оламиз, олдиндан айтиб бера оламиз. Ирода кучи ироданинг муҳим сифатидир. Ирода кучининг турли даражаси иродавий жараённинг ҳамма босқичларида кўринади.

Ирода кучи аввало эҳтиёжларни ҳис қилишда ва интилишда кўринади, биз кучли ҳамда кучсиз интилишларни, кучли ҳамда кучсиз

ҳохишларни фарқ қиламиз. Жасорат шундай қарорки, у гўё иш-ҳаракатга айланади. Бу иш-ҳаракат эса кучли зўр беришни талаб қилади. Характер хислати бўлган дадилликда ўқувчининг қанчалик пухта ўйлаб иш кўришига қараб, бу дадиллик махсус тусга киради. Жасурлик ўқувчининг омонлиги ва ҳаёти учун ҳавfli бўлган тўсқинликларни бартараф қилишда кўринадиган ирода кучидир. Масалан, парашютчи ҳар гал ўзини самолётдан ташлаганда жасурлик қилади.

Жасурлик ўзини тута билишга чамбарчас боғлиқ. Жасурлик бор жойда ўзини тута билишлик мавжуд. Ўқувчи ўзини тута билса жасурлик қила олади. Бирон мақсадга етишиш йўлида мутассил жасурлик кўрсатиш, довюраклик жасорат дейилади.

Сабот-матонат характернинг энг қимматли хислатидир. Бу хислат ўқувчининг мақсадга етиш йўлида қандай қийинчилик ва тўсқинликлар бўлишидан қатъий назар шу мақсадга эришишида ўз ифодасини топади. Характер хислати бўлган сабот-матонат баъзи ўқувчилар фаолиятининг ҳамма соҳаларида намоён бўлади бошқа ўқувчиларда эса бу хислат уларнинг манфаатлари билан боғланган, ва айрим фаолият соҳаларида кўринади.

Ташаббускор ўқувчи шахсий ҳаётида ҳам, ижтимоий фаолиятида ҳам вазият ва турмуш талабларини ҳисобга ола билади, шу билан бир вақтда вазифаларни илгари суради, қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун йўл ва воситалари танлайди ва бу вазифаларни ҳал этишда фаол иштирок этади. Мустақиллик қилинилмаган ва қилинилган иш-ҳаракатлар учун жавобгарлик сёзишда кўринади.

Жавобгарликни сёзиш айна ҳаракатларнинг тўғрилигига, мақсадга мувофиқ эканлигига ва зарурлигига ишонч ҳосил қилиш демакдир. Ироданинг ахлоқийлиги ҳаёт ва фаолиятда ирода кучи, унинг мустақиллигига ижобий ёки салбий баҳо берганда қандай

тўсқинлик ва қийинчиликлар бартараф қилинганлигини назарда тутиш билангина чекланиб қолмай, асосан ўқувчининг ахлоқий қиёфаси иродавий ҳаракатларда қанчалик ифодаланиши, бирон ўқувчининг иродаси нақадар ахлоқий эканлиги ҳам назарда тутилади.

Мактабдаги таълим жараёнида билимларни эгаллаш ўқувчидан иродавий зўр беришни талаб қилади. Чунки ўқиш материали ҳар қачон ҳам эмоционал характерга эга бўлавермайди, унинг маълум қисми зерикарли ва завқсиз бўлиши мумкин. Мана шундай материал ўқувчидан иродавий зўр беришни талаб қилади.

Маълумки, 1-синф ўқувчиларида диққатнинг ривожланиши узоқ давом этмайди, лекин ўқиш материални ўқишдаги иродавий зўр беришнинг такрорланиши таъсири натижасида ирода аста-секин ривожлана боради, мустаҳкамланади: ирода ўқув материални ўзлаштиришда катта ўрин эгаллайди. Ўқувчиларга кўп нарсаларни ўқиб олишга, дарсда ва уйда кўп нарсаларни эсда қолдиришга тўғри келади, кўпинча ўқувчига шеър ва грамматика қоидаларини ёдлаш топширилади. Мана шу ҳолларнинг барчасида ўқувчилардан ирода талаб қилинади.

Ихтиёрий ақлий жараёнларининг муваффақиятли бўлиши бошланғич синф ўқувчисининг иродасига боғлиқдир, ақлий жараёнлар ирода билан биргаликда ривожланади. Шу вақтнинг ўзида ироданинг ўзи ҳам фаолиятда, ўқиш жараёнида таркиб топа боради. Ироданинг ўсишида мактабдаги интизомга ахлоқ қоидаларига риоя қилишнинг зарурлиги катта аҳамиятга эга. Мактабда ўрнатилган интизом ва тартиб ўқувчиларда ихтиёрсиз ҳаракатларнинг вужудга келишига йўл қўймайди. Ўқувчининг ўзида мана шу ихтиёрсиз фаолиikka ундаб туриши учун, ундан иродавий зўр бериш талаб қилинади.

Иродавий акт фаол ҳаракатлардагина эмас, балки бирор ҳаракатни қилишдан ўзини тийишда ҳам ифодаланиши мумкин. Ироданинг асаб- физиологик асослари қўзғалиши ва тормозланиш жараёнлари мувозанатлигининг тараққий етиши билан боғлиқдир. Бу асаб жараёнлари мувозанатлигининг ўсишига синфдаги ўқувчиларнинг жамоаси билан ўрнатилган ўзаро нормал муносабат ҳам таъсир этади.

Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари мувозанатлигининг, маълум мақсадга қаратилган онгли ҳаракат тариқасида ироданинг ўсиши, бирор қийинчиликни ечиш учун иродавий зўр бериш – буларнинг барчаси асаб тизими тез қўзғалувчи бола учун қийин жараёндир. Чунки бу ёшдаги болаларда қўзғалувчанлик кучли бўлади, улар ўз ҳаракатларида эмоционаллик ва импульсивликка тез берилиб кетадилар. Кичик ёшдаги ўқувчилар уйга берилган топшириқларни кўпроқ ўқитувчиларнинг мақтовига сазовор бўлиш мақсадида бажаришга интиладилар. III–IV синфларда эса ўқувчилар, улар билан олиб борилган тарбиявий ишлар натижасида, ўқишга ижтимоий аҳамият бера бошлайдилар.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда иродавий ҳаракатларнинг мотиви ва бу ҳаракатдан кўзда тутилган мақсад жуда беқарор бўлади. 3-4-синф ўқувчилари ўз мулоҳазаларида бурч ҳиссига амал қиладилар. Яхши тарбияланган болалардаги ирода талаб қилинадиган ҳаракатларида бурч хисси катта роль ўйнай бошлайди. Тиришқоқ ўқувчиларда бурч ва жавобгарлик хислари кучли намоён бўлади. Бу хислар уларда иродани ўстириши воситаларидан биридир. Баъзан бурч хиссининг барқарор кўриниши беқарорликка ўтиб кетади. Бу кўпинча болаларда узоқ вақт иродавий зўр бериш натижасида толиққанда рўй беради. Ўқувчида ироданинг ўсиши унинг кичик мактаб ёшидаги характернинг иродавий ҳислатлари таркиб

топишининг бошланишидир. Болаларнинг ўқиш фаолияти ва ўсишидаги ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган ўзига хос типик ҳислатлар ҳам пайдо бўлади.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчида қатъийлик каби муҳим шахс ҳислати шаклланади. Ёзиш, ўқиш ва санаш каби янги таълим малакаларининг пайдо бўлиши ирода ҳислатларининг шаклланишига ёрдам беради. Шахснинг муҳим ҳислати бўлган қатъийлик 3-синф ўқувчиларининг кўпчилик қисмига хосдир. 3-синф ўқувчилари масалаларни мустақил ечган ҳолда, қандай қилиб бўлмасин мақсадга эришадилар. Болалар орасида ўз ҳаракатларини тўғри ёки нотўғрилигига ишонмайдиганлар учрайди. Улар ўзлари учун нотаниш янги шароитга янги жамоага тушиб қолганларида айниқса, қўрқоқ бўлади. Бунга боланинг ўз кучига ишонмаслиги, ўз ҳаракатларида тез-тез муваффақиятсизликка учраб туриши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Мана шунинг учун ҳам, бола кўпроқ иродавий ҳислатларини ўстирадиган ва мустаҳкамлайдиган шароитда бўлиши, вазифаларни бажариши муҳимдир. Қийинчиликларни ва тўсиқларни ўқувчилар енга оладиган бўлиши керак, ўқувчи бу қийинчиликларни бартараф этиб, эришган ютуқларидан қувонсин.

Боланинг кучи етмайдиган унинг ёш хусусиятига тўғри келмайдиган тўсиқлар бола олдида берк кўча пайдо қилади ва бола иродасни чиниқтириш ўрнига заифлаштиради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда хис-туйғулар анча вазминлашиб катталарнинг туйғуларига анча ўхшаб қолади. Аммо туйғуларнинг ўз характерига бутунлай қарама-қарши ҳолда кескин ўзгаришини ҳам кузатиш мумкин. Бу ҳолатлар ўқиш фаолиятларидан бирортасининг ёки бир хилдаги меҳнат ва ўйинининг узоқ вақт давом этиб, таъсир этиши натижасида пайдо бўлади. Кичик ёшидаги ўқувчиларга хос бўлган

жуда кўп эмоционал кечинмалар мустаҳкамланиб, ҳатто характер ҳислатларига ҳам айланади.

Ўқувчининг ҳали кичик пайтида, таркиб топган характер ҳислатлари катта ўзгаришларга учрайди. Тасаввур, тушунча, хоҳиш ва ҳис-туйғулар, сўзсиз, ўзгара боради ёки улар ижобий ҳислатлар даражасига кўтарилиб, мустаҳкамланиши ёки аксинча йўқолиб кетиши мумкин. Таълим-тарбия жараёнида болаларнинг ҳаёти ва фаолиятини шундай уюштириш лозимки, бунда болаларда шахсинг кичик ёшда – ўқувчилигида таркиб топган ижобий ҳислатлар тобора бойиб ва мустаҳкамланиб борсин.



III-БЎЛИМ

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИСИНИНГ АҚЛИЙ ШАКЛЛАНИШИ

III.1. Бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёнларининг психологик хусусиятлари

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги турли масалалар буйича ўз фикрининг баён эта оладиган даражада ортади. Агар ўз ёшдаги нормал ривожланаётган бола шз нутқида 500-600 сўзни ишлатса, олти ёшли бола 3000-7000 сўзни ишлатади. Бошланғич синф ёшидаги болалар нутқи асосан от, феъл, сифат, сон ва боғловчилардан иборат бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатган маъқул-ку, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлай оладилар. 6-7 ёшли бола ўз жумлаларини мураккаб грамматик тизимда туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жадал равишда эгаллаб бориб, нутқни ўзлаштириш маълум бир фаолиятга айлана боради. 7-9 ёшли болаларнинг ўзига хос яна бир хусусияти борки, бола нутқда фақатгина ўз фикрини баён этибгина қолмай, балки ўз суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қилиш учун ҳам гапирадилар.

Бу даврда ёзма нутқ ҳам шаклланишини бошлайди. Ёзма нутқ жумлаларни тўғри тузиш ва сўзларни ҳам тўғри ёзишга маълум талаблар қўйилганлиги билан характерланади. Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, шундайлигича ёзилмаслигини билиши, уларни тўғри талаффуз этишга ва ёзишга ўрганиши зарур. Ёзма нутқни эгаллаш асосида болаларда турли матнлар ҳақида маълумот ҳам юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ энди шакллана бошлагани боис болада ҳали ўзи ёзган фикрларни сўз ва ҳарфларни назорат этиш малакаси тўлиқ ривожланмаган. Лекин унга ижод қилиш имконияти берилади. Ушбу мустақил ижодий иш мактаб ёшидаги ўқувчида берилган мавзуни англаш, унинг мазмунини тушуниб боради. Фикрини баён этиш учун

материал тўплаш, асосийсини ажратиб олиш маълум кетма-кетликда материални баён этиш, режа тузиш малакасини юзага келтиради. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан мазмунга тўғри келадиган сўзларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз хатоларини топа олиш, тўғрилай олиш ҳам ақлий ривожланишининг кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ақл-идроки, сезгирлиги, кузатувчанлиги, эслаб қолиш, эсга тушуриш имкониятларини ривожлантириш учун муҳим шарт-шароитлар яратади, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Мазкур таълим жараёнида уларнинг билимлар кўлами кенгаяди, билимга қизиқишлари ортади, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, уларда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги ортади, ақлий имкониятини ишга солиш вужудга келади. Мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, равонлиги, ўткирлиги билан бошқа ёш даврдаги инсонлардан кескин фарқ қилади. Улар ҳар бир нарсага берилиб, ўта синчковлик билан қарашлари сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

7-10 ёшдаги ўқувчининг идроки унинг хатти-ҳаракати, ўйини ва меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Ўқувчи ўзининг эҳтиёжи, майли, қизиқиш ва интилиши турмуш шароитига мос бўлади, шунингдек ўқитувчи тавсия этган нарсаларни идрок қилади.

Мактабга биринчи синфга келган бола предметларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларнинг маконда жойлашини билиш билан бирга уларни таққослай олади. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун бола сенсор ривожланганлик даражасини юқори бўлиши жуда муҳим. Мактаб ёшига келиб нормал ривожланаётган бола расм ва суратлар реал ҳаётнинг акс эттираётганлигини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам

сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қиладилар. Бола расмларда атроф-ҳаётдаги нарсаларни кичиклаштириб тасвирланганлигини англай биладилар. Бу тасвирлар болаларда эстетик ва бадий дидни ривожлантиради. Чунки бола шу расмлар орқали олам гўзаллигини турфа ранглардан иборат эканлигини англайди, ажратади ва ўз муносабатини билдира олади.

Тафаккурнинг ривожланишини кичик мактаб ёшидаги бола психикасининг соғломлигида унинг билиш фаоллигида кўриш мумкин. Боланинг қизиқувчанлиги асосан атроф-оламни билиш, ўрганишига қаратилган бўлади. Бола ўйнаб туриб олам сир-синоатлари, сабаб-ходисалари ва боғлиқларидан хабардор бўлишга интилади. Масалан, бола ўзи мустақил равишда қандай предметлар сувда чўкиши, қайсилари эса сузишини тадқиқ қила олади. Бола ақлий муносабатларда фаол бўлса, у шунчалик кўп савол беради ва бу саволлар асосан хилма-хил бўлади. Болани қор, ёмғир қандай ёғиши, қуёш кечаси қаерда бўлиши, машина қандай қилиб юриши, ердан осмонгача неча километр эканлигини билиш жуда қизиқтиради. Бу уларнинг асосан «*Нима учун?*», «*Қандай қилиб?*», «*Нима орқали?*» саволларига жавоб олишга қаратилган бўлади. Бу ёшдаги болалар асосан ўзлари кўриб турган нарса ҳақида чуқурроқ фикр юрита оладилар.

Демак, кичик мактаб ёшидаги болалар тафаккурининг асосий тури образли тафаккурдир.

6-10 ёшли бола албатта мантиқий ҳам фикрлай олади, лекин бу ёш асосан кўрганларига таяниб таълим олишга сензетив бўлган давр ҳисобланади. Сўзсиз бугунги

жамиятимизда болаларнинг ақлий ривожланиши янги билимларни тузилиш типига ҳам боғлиқ бўлиб, улар маълум даражада шаклланган катталар томонидан тузилади. Чунки интеллектуал ривожланиш ижтимоий омиллар билан белгиланади – индивид ижтимоий муносабатлар билан ўзгаради. Боланинг мактабда мунтазам равишда ўқишга ўтиши унинг атроф-ҳаётдаги нарса-ходисаларга нисбатан фикрини ва муносабатларини ўзгаришига олиб келади. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг тафаккури мантиқий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш таҳлил қилишнинг турли усулларини қўллашдек ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалардан ва ўсмирлардан фарқ қилади. Таълим жараёнида тафаккур операцияларига, мустақил фикрлашга ўргатиш кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни камол топтиришнинг гаровидир.

Ўқув фаолият психик функцияларни юқори ривожланганлик даражасини талаб этади. Боланинг диққати, хотира ва тасавури мустақил тус ола бошлайди. Лекин одатдаги ҳолат ва вазиятларда болага ўз психик функцияларини юқори даражада ташкил этиш ҳали бирмунча қийинроқ.

6,7-10,11 ёшли болалар билиш жараёнларидаги ихтиёрийлик иродавий зўриқиш асосидагина, бола ўзини атрофдагиларнинг талаби ёки шахсий ҳаракати интилангандагина юзага келиши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида диққатни иродавий зўр бериш билан бошқариш ва вазиятга мослаш имконияти яхши бўлмайди. Бунинг асосий сабаби уларда ихтиёрий диққатнинг кучсизлиги ва беқарорлигидир. Болаларда ихтиёрсиз диққат кўпроқ ривожланган бўлади. Бошланғич синф ўқув материалларининг яққоллиги, эркинлиги, жозибadorлиги, ўқувчида беихтиёр ҳис-туйғулар уйғотади, иродавий зўриқишсиз, осонгина фан асосларини эгаллаш

имконини беради. 1-2 синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун ҳам улар диққатларини муайян нарсаларга қарата олмайдилар.

Таълим жараёни кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг ихтиёрий, барқарор, мустаҳкам, кучли, фаол онгли диққатни ривожлантиришга қулай шарт-шароит яратади. Билим олиш жараёнида мустақил ақлий меҳнат қилиш, мисол-масалалар ечиш, машқлар бажариш, такрорлаш иродавий зўр бериш жараёнида ихтиёрий, онгли диққат таркиб топади.

Бу ёшдаги болада ихтиёрий диққатни жамлаш, ташкил қилиш, зарур бўлса уни тақсимлаш, онгли равишда бошқариш уқуви шакллана бошлайди. Кичик мактаб ёшидаги бола маълум даражада ўз фаолиятини ўзи мустақил ривожлантира олади. У ўз режасини, у ёки бу ишни қандай кетма-кетликда бажаришини сўз билан ифодалаб бера олади. Режалаштириш сўзсиз боланинг диққатини ташкил эта олади ва ривожлантиради. Уларда ихтиёрсиз диққат устунлик қилади. Кичик мактаб ёшидаги болалар сўзсиз ўз диққатларини интеллектуал масалаларга қарата оладилар, лекин у жуда катта иродавий кучни ва юқори мотивацияларни ташкил этилишини талаб қилади.

Боланинг хаёли теварак-атроф таасуротлари, тасвирий санъат асарларини етарли даражада акс эттиришда вужудга келади. Образлар, шартли белгилар, табиат манзаралари жамланиб ўқувчиларда хаёл пайдо бўлади.

Хотиранинг ривожланиши. Ўқув фаолияти боладан берилган ўқув материалларини эслаб қолишини талаб этади. Ўқитувчи ўқувчисига нималарни эслаб қолиши зарурлиги ҳақида кўрсатмалар беради. Ўқувчи нимани эслаб қолиши кераклигини такрорлайди, уни тушуниб олишга ҳаракат қилади. Лекин бу ёшда ихтиёрсиз хотира

шубхасиз устунлик қилади. Боланинг хотирасида сақлаб қолишини асосан унинг ишга бўлган қизиқиши белгилаб беради. Ўқув материални тушуниш эслаб қолишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Тасаввурнинг ривожланиши. Дарс жараёнида ўқитувчи ўқувчилардан турли вазиятларни тасаввур қилишини сўрайди. Бу ҳолат албатта бирон-бир ёрдамчи куроллар - предметлар, макетлар, схемалар бўлган тақдирдагина ўқувчи тасаввурини ривожлантириш мумкин. Акс ҳолда бу ёшдаги болалар ҳали мустақил тасаввур ҳаракатлар қилишга қийналади.

Психолог Ж.Пиаже тадқиқотларида 6-7 ёшли болалардан турли хил баландликдаги идишлардаги сув миқдорини белгилаш сўралган. Ва болалар сув миқдорини бир-бири билан тенг бўлган идишларда кўрганларидан сўнггина ўз жавоблари нотўғрилигини билганлар. Кичик мактаб даврида тасаввур асосан болаларда расм чизишда, шунингдек эртак ва ҳикоялар тўқиётганларида ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги болалар тасаввури жуда кенг ва хилма-хил бўлади. Айрим ўқувчилар асосан реал борлиқни тасаввур этсалар, бошқалари фантастик образ ва вазиятларни тасаввур этадилар. Шунга боғлиқ кичик мактаб ёшидаги болаларни реалистлар ва фантазёрларга ажратиш мумкин. Болалар кўпинча ўзларига маълум образлар, сўжетлардан фойдаланган ҳолда янги образларни тасаввур этадилар, яратадилар. Бу тасаввурлар асосида уларнинг кўрқувни енгиш, дўст топиш, хурсандчилик ҳислари ётади. Бундан ташкари тасаввур терапевтик натижа олиб келувчи фаолият сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бола реал ҳаётда қийинчиликларга дуч келиб, улардан чиқиб кета олмаган ҳолатда кўпинча хаёлга берилади. Масалан, меҳрибонлик уйда тарбияланаётган бола ўзининг ҳамма хавас қиладиган оиласи, уйи бўлишини, бу уйга ўғрилар келиб қолса, у қахрамонлик қилишини тасаввур қилади. Тасаввур болани вақтинчалик

бўшашига ва бу бўшашиш вақтида ота-онасиз яшадини давом эттириш учун куч туплашга имконият яратади. Ўз боласига доимий бақирадиган асабий она ўз фарзандининг тасаввурида меҳрибон фаришта, ўз онасини катта, қўрқинчли хавфдан қутқараётган қахрамонлик ёки болага доимий равишда озор берганлиги учун ҳам ўлиб ётган она сифатида тасаввур этиши мумкин. Ўз тасаввурида яхши ёки ёмон холатларни бошидан кечирган бола ўзининг келгуси хатти-ҳаракатлар мотивациясини тайёрлайди. Катталарга нисбатан тасаввурнинг болалар хаётида аҳамияти жуда катта. Бола тасаввур қилиб атроф-хаётни чуқурроқ била бошлайди, ўз-ўзининг шахсий тажрибасидан тасаввур ёрдамида четга чиқа олади, ижодий лаёқати ривожланади, шахсий хусусиятларининг ривожланишига хизмат қилади.

III.2. Бошланғич синф ўқувчилари интеллекти диагностикаси хусусиятларини ҳисобга олиш

Миллий таълим равнақини таълим тарбия амалиётига самарали ва тежамли, янги шакл, воситаларни қўллаш, изланиш орқали юқори натижаларга эришишни кўзловчи педагогик технологиялар таъминлайди. Бошланғич таълимда янги педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш, тарбияни таълимга боғлаш, ҳар иккисини тузилиши ва мазмун жиҳатдан яхлитлаштиришга, ўқувчи фаолиятини уюштиришга, мустақил фикрлашга йўллаш учун қулай шароит яратади.

Бошланғич синф ўқувчисининг билиш жараёнлари мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг билиш жараёнларидан кескин фарқ қилиши билан бирга у сифат жиҳатидан ҳам ўзгара бошлайди ва тез ривожланади. Маълумки, диққат ўқиш жараёнининг зарур шarti бўлиб ҳисобланади. Идрокнинг тўлалиги, тўғрилиги, тезлиги, эсда қолдиришнинг тез ва аниқлиги диққатга боғлиқдир. Фикрлаш

жараёнлари диққат туфайли аниқ мантиқли, мазмунли бўлади. Чунки ўқувчиларнинг мустақил равишда масала ечиши ва бу масалани тушунтириши энг олдин улар диққатининг кучи ва барқарорлигини таъминлайди. Ўқувчиларнинг ақлий фаолиятининг зарур шартлари билан таъминлаш учун ўқитувчи кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг хусусиятларини яхши билиши керак.

Кўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кичик ёшдаги ўқувчиларни бош мия ярим шарлари пўстида жуда тез пайдо бўлади. Шу сабабли, агар бир кўзғовчи боланинг мия қобиғида кўзғалишни вужудга келтирса, унда иккинчи кўзғовчи бош мияда жуда тезлик билан янги кўзғалиш ўчоғини тормозлаб қўйиши мумкин. Бу кичик ёшдаги болаларнинг диққатини жуда тез ва осон чалғитиш мумкинлигини кўрсатади. Ўқувчилар диққатининг бу хусусияти уларнинг дарсда ўқиш материалларини ўзлаштиришларига ҳалақит беради. Шу сабабли ўқитувчи бола диққатининг бундай хусусиятларини доимо эста тутган ҳолда, дарсни унинг бир мазмуни билан иккинчисини боғлаб усталик билан ўтказиши ва буларни бир-бирини тормозлаб қўймаслиги учун дарснинг ҳар бир босқичини яхшилаб ўйлаб кўриши керак.

Ўқиш жараёнининг таъсири остида кичик ёшдаги ўқувчилар диққатининг барча хусусият ва сифатлари интенсив равишда ўсиб боради ва бу билан ихтиёрсиз диққатдан ихтиёрий диққатга кўчиш жараёни осонлаша боради. Кичик ёшдаги ўқувчилик даврида диққат тез ўсади мактабдаги таълим-тарбия ишлари синфларда олиб борилади. Ишлар боланинг диққатини шакллантирувчи ва тарбияловчи янги шароитдир. Ихтиёрсиз диққат қизиқиш билан мустаҳкамланиши сабабли, ҳар бир ўқитувчи ўз дарсини қизиқарли ва мароқли қилишга интилади. Лекин шу нарсани ёдда тутиш лозимки, ўқувчиларнинг диққатини бевосита қизиқарли ва мароқли

бўлмаган нарсаларга ҳам қаратишга ўргатиш керак. Акс холда нозик ва инжиқ диққат пайдо бўлиб қолади.

Ўқувчи фақат қизиқ нарсаларга диққатини қаратишга ўрганиб қолса, ундай ҳолда фаолиятининг қандайдир элементлари бевосита қизиқиш уйғотмаса, ўқувчи ихтиёрий диққатини бу элементларга сафарбар эта олмайди.

Диққат барқарорлигининг нисбатан кучли бўлмаслиги унинг ёш хусусиятидан иборатдир. Бу асосан 1 ва 2-синф ўқувчилари учун характерлидир. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчилар диққатининг беқарорлиги тормозланиш жараёнининг ёш билан боғлиқ бўлган заифлиги натижасидир. 1-синф ўқувчилари, баъзан эса 2-синф ўқувчилари ҳам бирон ишга ўз диққатини узоқ вақт давомида тўплай олмайдилар. Уларнинг диққати осонлик билан чалғиб кетади. Шу сабабли улар вазифани ўзлари бажара олмасликлари, фаолиятининг темпини ва ритминини йўқотиб қўйишлари, сўзларда ҳарфларни, гаплардан сўзларни тушириб қолдиришлари мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатилишича 1 ва 2-синф ўқувчилари 30-35 минут давомида жим ўтиришлари ва ўз диққатларини сақлаб туришлари мумкин. Бундан ортиқ сақлаб тура олмайдилар. Дарсни ташкил қилишда буни ҳисобга олиб, ишда кичкина танаффуслар қилиш лозим. Бошланғич синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларига асосланиб диққатни тарбиялашнинг айрим усулларини кўрсатиб ўтамиз.

1. Диққатни ривожлантиришда ўқув машғулотларини самарали ўтиш учун қулай бўлган ташқи шароитлар катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчи шуғулланаётган хонада унинг диққатини чалғитувчи, кўзғатувчи (шовқин–сурон, ортиқча гап–сўз, ишга кераксиз буюм)лар бўлмаслиги тегишли гигиена шароитларига соф ҳаво, ёруғликнинг етарли бўлишига риоя қилиниши керак.

2. Ихтиёрсиз диққатни тарбиялаш учун мактаб ўқувчиларининг билимига оид қизиқишларини ривожлантириш унинг тасаввурлари доирасини кенгайтириш керак. Боланинг умумий ақлий ривожланиши қанчалик юқори бўлса, унда ихтиёрсиз диққат шунчалик кучли ривожланган бўлади.

3. Мактаб машғулотларининг дастлабки ҳафталарида ўқитувчининг ҳикоя ва эртаклар ўқиб бериши диққатни тарбиялаш учун яхши восита бўлиб хизмат қилади.

4. Дарсни яхши ташкил этиш диққатни жалб қилишнинг ва сақлаб туришнинг муҳим шартидир. Бунинг учун ўқитувчи дарсга виждонан тайёргарлик кўриши, машғулотлар режасини ва уларни тўғри тақсимлаш ва бошқаларни атрофлича ўйлаб иш кўриши зарур.

5. Дарснинг бошланишида ўқитувчилар ўз вазифаларини тушуниб олишлари, нима билан шуғулланишларини билишлари учун дарснинг мақсадини маълум қилган фойдалидир.

6. Ихтиёрсиз диққатни ихтиёрий жалб қилиш учун ўқув материалларининг мазмуни ва уни баён қилиш шакллари ўқитувчининг жонли, ёрқин, иложи борича таъсирли ҳикояси, аниқ масалалар келтириши, расмлар кўрсатиши, кўрсатмали қуролларни қўлланилиши катта аҳамиятга эгадир.

7. Диққатнинг иккиланиши ва чалғишининг мавжудлиги, болаларнинг чарчаб қолиши бот-бот дам олишини, дам олиш дақиқаларни ўтказишни, шунингдек машғулотларни бир-бири билан ўзгартириб туришни талаб қилади.

8. Материални баён қилишнинг ўзи бир оҳангда ва бир хилда бўлмаслиги, балки жонли жўшқин характерда бўлиши зарур.

9. Диққатни жалб қилиш учун болаларнинг ўқув ишларини фаолаштириш зарур. Улар кўпроқ ўйлашлари ўз кучлари етадиган ишларнинг ҳаммасини ўзлари мустақил бажаришлари керак.

10. Диққатни ривожлантиришда ўқувчининг ўзига ўргатилаётган нарсани тушуниши катта аҳамиятга эгадир. Агар бирор нарса унинг учун ноаниқ бўлиб қолса, диққати сусайиши мумкин.

11. Ўқувчининг ихтиёрий диққатини ривожлантириш учун унда ўқишга онгли муносабатини, бурч туйғусини, ўз иши ва хулқ-атвори учун масъулиятни тарбияламоқ керак. Ихтиёрий диққат боланинг характери ва иродасига боғлиқ бўлади.

12. Болаларда паришонхотирликни барҳам топтиришга, хатто иш ёки дарс қизиқ ва осон бўлмаган вақтда ҳам сабот-матонат ва тиришқоқлик кўрсатишга интилишини ҳам тарбиялаш керак.

Болалар билан ишлашда диққатнинг икки турини жалб қилиш учун иложи борича уларни бир-бири билан алмаштириб, ихтиёрий диққатдан кейинги диққатни вужудга келтиргандагина ўқитувчи таълим вазифасини ҳам, тарбиявий вазифани ҳам муваффақиятли ҳал эта олади. Шунингдек, ўқитувчи болани қайси диққат тури билан банд бўлса, ундан унумли фойдаланилиши лозим. Чунки агар болани доимо ихтиёрий диққат билан ўтиришини талаб қилинса бола тез толиқади. Бошланғич синфлардаги ўқиш фаолияти даставвал психик жараёнларнинг ривожланишини, яъни теварак-атрофдаги оламни бевосита билишини – сезги ва идрокнинг ривожланишини стимуллаштиради.

Кичик мактаб ёшида ўқувчиларда хотира таълимнинг таъсири билан икки йўналишда ривожлантирилади. Сўз-мантиқ хотирасининг ва маъносига тушуниб эсда олиб қолишнинг роли ва унинг салмоғи кучаяди ва бола ўз хотирасини онгли равишда бошқариш ҳамда хотиранинг намоён бўлишини, тартибга солиш имкониятига эга

бўлади. Биринчи сигнал тизими фаолиятининг нисбатан устунлиги туфайли кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда сўз-мантиқ хотирага нисбатан кўрғазмали-образли хотира кўпроқ ривожланган бўлади.

1-2 синф ўқувчилари эсда олиб қолинадиган материалнинг ички маънавий боғланишларини англамаган холда механик тарзда эсда олиб қолишга мойил бўладилар. Улар кўпинча ўқув материални қайта кўрмай, ҳеч ўзгартирмай, унинг мазмунини бошқа сўзлар билан айтиб беришга интирмай, сўзма-сўз ёдлашга ва қайта тиклашга интиладилар. Буни қуйидаги ҳолатлар билан тушунтириб ўтамиз.

Биринчидан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда механик хотира яхши ривожланган бўлади ва у кўпинча ортиқча меҳнат сарф қилмай, материални сўзма-сўз эсда олиб қоладилар.

Иккинчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг олдида эсда олиб қолиш вазифасини ажрата, дифференциация қила олмайди. Ўқитувчи бўлса, бу хусусда кўпинча ўқувчига ёрдам бермай, материални тўғри ва етарли даражада тўла қайтариб беришни талаб қилиш билан чекланади.

Учинчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар айниқса 1-2 синфларда ҳали нутқни яхши эгалламаган бўладилар. Уларга материалнинг умумий маъносини ўз сўзлари билан айтиб бериш осонроқ бўлади.

Тўртинчидан кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар кўплари ҳали маъносига тушуниб, эсда олиб қолишни ташкил қила олмайдилар: улар материални маъносига қараб гуруҳларга бўлишни, мантиқий жадваллардан фойдаланишни, эсда олиб қолиш учун таянч пунктларни ажратишни ва материалларни қайта ўзгартириш билан боғлиқ бўлган текстнинг мантиқий режасини тузишни билмайдилар.

Мантиқий хотира, яъни материалнинг маъносини, моҳиятини, фикрларни, далилларни, асосларни, мантиқий жадваллар ва

мулоҳазаларини эсда олиб қолиш ҳамда қайта эсга тушириш қобилияти таълим жараёнида ривожланиб, аста-секинлик билан юзага келади.

Мантиқий хотирани ривожланишини ҳар томонлама стимуллаштириш, болаларни материални яхши эсда олиб қолиш учун унинг маъносини англашга ундаш, материални қайта қуриш ва уни асосий мазмунини сақлаб қолган ҳолда ўз сўзлари билан изоҳлаб беришга ўргатиш ўқитувчиларнинг бурчидир. Ихтиёрий эсда олиб қолишнинг самарадорлиги кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг интеллектуал фаоллиги даражаси билан белгиланади.

Интеллектуал фаоллик даражаси кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг эсда олиб қолишини ташкил қилиш ва бошқариш воситаларини эгаллаш билан бевосита боғлиқдир.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар тафаккурининг хусусиятларини ўрганган олимлар боланинг тафаккурини қуйидаги уч йўналишда тадқиқ қилганлар: биринчидан тафаккурнинг ёш даврига хос хусусияти, иккинчидан унинг ривожланиши, учинчидан тушунчаларни шаклланиш омиллари.

Болалар нарсаларнинг ўзгармайдиган баъзи белгилари доимийлигини пайқай олмаслиги улардаги тафаккурнинг энг муҳим хусусиятларидан биридир. Таълимнинг дастлабки босқичида болани умумлаштириши жуда содда бўлади ва фақат ўхшашлик белгисига асосланади. Кейинчалик эса бола нарса ва ҳодисаларнинг ташқи сифат ва хусусияти белгиларини гуруҳларга ажратиши ва таснифлашга, нарса ва ҳодисаларнинг хоссалари, қонуниятлари, мураккаб ички боғланиш ва муносабатларнинг муҳим белгилари бўйича умумлаштиришга ўтади.

1-2 синф ўқувчилари ўқув фаолиятларини буюмларнинг жозибадор ташқи белгиларига таяниб фикрлайдилар: қуёш,

момоқалди роқ, автомобиль, қуш ва бошқалар тўғрисида фикр юритишда “Қуёш иситади, ёритади” “Момоқалди роқ гулдирайди” “Автомобил юк ташийди”, “Қуш сайрайди” каби ҳукмлар чиқарадилар, шунинг учун агар ўрганилаётган материалларнинг муҳим белги ва аломатларини бевосита аниқлаш зарурати туғилса, дарров кўринадиган мисолга мурожат қиладилар. Ўқувчилар 3-синфга ўтгандан сўнг умумлаштиришдан моддий дунёдаги воқеяликнинг энг муҳим муносабат ва боғланишларни акс эттирувчи ички белгиларига таянадилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар таълим жараёнида илмий тушунчаларни ўзлаштирсаларда олдинги дарсларда ўзлаштирилган турли аломатлар, белгилар, хусусиятларини қориштириб, чалкаштириб ҳам юборадилар. Чунки уларда тушунчалар таркибига кирадиган нарса ва ҳодисалар билан уларнинг белгилари ўртасида узвий боғланиш таркиб топмаган бўлади. 1 ва 2-синф ўқувчилари узунлик ўлчов бирликларини ўзлаштиришда ҳам қийналадилар, чунки улар узунлик ўлчовининг асосий белгиси унинг узунлигини ажратишни билмайдилар.

3-синфга ўтганларидан кейин мураккаб фазовий муносабатларни эгаллашга кучлари етади. Чунки таълим жараёнида уларнинг фазо тўғрисидаги тасаввурлари, тушунчалари кун сайин режа, масштаб, ер шари ва қатор шартли белгилар ҳақидаги билимлар билан бойиб боради. Ўқувчиларнинг билим доираси кенгайгани сари улар қатъий ҳукмлардан тахминий ҳукмларга кўча бошлайдилар нарса ва ҳодисаларнинг турли хусусиятларига эгаллигини воқеялик атиги бир ҳаракатдан бир сабабдан эмас, балки кўп сабаблардан пайдо бўлишлигини англаш босқичига кўтариладилар. Тахминий ҳукмлар 2-синфдан бошлаб пайдо бўлади. 3-синфдан бошлаб ўқувчиларда тушунча ва ҳукм ривожланиши билан бирга турли нарса ва ҳодисалар ҳақида юритилган муҳокамалар асосида хулоса

чиқариш ҳам ўзгариб боради. Ўқувчиларда индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш алоҳида аҳамият касб этади. Хулоса чиқариш аввал бевосита идрок қилинаётган нарсалар асосида вужудга келади. У бевосита кузатиш, идрок қилиш жараёнида нарса ва ҳодисаларнинг муносабатини боғланишини акс эттирадиган хулоса чиқариш бўлиб, боланинг тафаккурида асосий ўрин эгаллайди. Чунки бунда яққол-образли тафаккурга таяниб хулоса чиқарилади. Кейинчалик мавҳум шарт-шароитлардан вужудга келадиган хулоса чиқариш тури пайдо бўлади.

Таълим жараёнида тафаккурнинг аналитик-синтетик фаолияти муҳим рол ўйнайди. Ўқувчилар таҳлил қилиши жараёнида яхлит муносабатни ёки нарсани бўлакларга ажратиб уларнинг, узвий боғланишини аниқлайди, синтезда эса бунинг аксини бажаради, яъни бўлакларнинг яхлит буюмга боғланишини аниқлайди. Ўқувчилар таҳлил ва синтезни, таққослашни машқ қилиш орқали нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини тасодифий билишларидан ажратишни ўрганадилар ва шу тариқа ўзларининг мавҳумлаштириш фаолиятларини такомиллаштирадилар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг умумлаштириш фаолиятини ривожланиш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлардан маълумки, йил охирига бориб, болаларнинг ўзлари мустақил равишда нарсаларни муҳим белгиларига асосан умумлаштириш имкониятига эга бўладилар. Уларда маҳаллий тушунчалар, атамалар, тушунчалар миқдори кескин камаяди. Болаларда мавҳумлаштириш ва умумлаштириш усулларини ўргатиш болалар тафаккурининг ривожини янги босқичга кўтаради. Уларнинг тафаккури мантиқий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш, таҳлил қилишнинг турли усуларини қўллашдан ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалардан ва ўсмирлар

тафаккуридан кескин фарқ қилади. Болалар тафаккурида маълум даражада устун туради ва уларнинг тафаккури ёш хусусиятига мутлоқо мослигини кўрсатади. Таълим жараёнида тафаккур операцияларини, мустақил фикирлашни ўргатиш кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни камол топтириш гаровидир.

III.3. Бошланғич синф ўқувчилари интеллекти диагностикаси

Бошланғич синф ўқувчилари тафаккурини ўрганиш методикалари жуда кўп ва хилма хил бўлиб, психолог ва педагог мутахассислар томонидан кенг қўлланилади. Қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

1-методика

Мазкур методика кичик мактаб ёшидаги болаларда тушунчалар, турли объектлар ўртасидаги сабабий боғланиш, ўхшашлик ҳақидаги тасавурларнинг шаклланганлигини ўрганиш учун хизмат қилади. У 20 та саволдан иборат. Психолог болага ҳар бир саволни ўқиб беради ва боланинг жавобини қайд этади. Ҳар бир саволдан сўнг қавс ичида тўғри жавоб келтирилган.

Саволлар.

1. От каттами ёки итми? (от)
2. Эрталаб нонушта қиламиз, пёшиндачи? (тушлик)
3. Кундузи ёруғ, кечаси-чи? (қорунғу)
4. Осмон ҳаво рангда, ўтлар – чи? (яшил)
5. Гилос, нок, олма, олхўри – булар нима? (мева)
6. Нима учун ҳали поезд ўтмасдан шлагбаум туширилади?
(машиналарни тўхтатиб туриш учун)
7. Тошкент, Самарқанд, Бухоро – булар нима? (шаҳар)
8. Соат неча бўлди? (болага соат кўрсатилади?)

9. Сигирнинг боласи бузоқ, итнинг боласи кучукча, қўйнинг боласи-чи? (қўзичоқ)

10. Ит кўпроқ товуққа ўхшайдими ёки мушукками? (мушукка)

11. Нима учун автомобилларда тормоз бор? (машинани секинлаштириш маъносидаги ҳар қандай жавоб тўғри бўлади)

12. Болға билан болта нимаси билан бир-бирига ўхшайди? (ўхшаш вазифаларини бажарувчи асбоблар мазмунидаги ҳар қандай жавоб тўғри)

13. Олмахон билан мушук нимасига кўра ўхшайди? (камида иккита ўхшаш белги санаб ўтилиши керак)

14. Мих билан винтнинг нима фарқи бор? (михнинг усти текис, винт ғадир – будур, мих болға билан қоқилади, винт бураб киритилади)

15. Футбол, тенис, сузиш – булар нима? (спорт, физкультура)

16. Қандай транспорт турларини биласан? (камида иккита ҳар хил транспорт санаб ўтилиши керак)

17. Қари одам ёшдан нима билан фарқланади? (камида иккита муҳим фарқли белги санаб ўтилиши керак)

18. Одамлар нима учун спорт билан шуғулланади? (соғлом бўлиш учун, бақувват бўлиш учун, кучли бўлиш учун, ғалаба қозониш учун, чемпион бўлиш учун)

19. Одамлар ишламаса нима бўлиши мумкин? (нарсалар ярата олмайдилар, нарсалар сотиб ололмайдилар, қийналиб яшайдилар каби жавоблар)

20. Одамни нима учун қамаб қўядилар? (ёмон иш қилгани учун мазмунидаги ҳар қандай жавоб, бошқаларга зарар етказмаслиги учун деган жавоб тўғри).

Натижаларни қайта ишлаш.

Агар боланинг жавоби тўғри жавобга мос келса, унга 0,5 балл, қисман тўғри келса 0,25 балл қўйилади. Жавобни баҳолашдан аввал болага саволни тўғри тушунтирилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Зарурат туғилганда психолог айрим сўзларнинг маъносини изоҳлаб бериши лозим (масалан, шлагбаум сўзи изоҳ талаб қилиш мумкин).

Натижаларни баҳолаш.

10 балл – жуда юқори даражад;

8 – 9 балл – юқори даража;

4 – 7 балл – ўрта даража;

2 – 3 балл – паст даража;

0 – 1 балл – жуда паст даража.

2-методика

«Бу ерда нима ортиқча?» методикаси.

Ушбу методика 6-7 ёшгача бўлган болаларга мўлжалланган. Бу методика болаларнинг образли, сўз-манتيқли тафаккур жараёнининг анализи, ақлий ва умумлаштириш операцияларини тадқиқ қилади. Методикада болаларга ҳар хил предметлар тасвирланган расмлар тавсия қилинади ва қуйидагича кўрсатма берилади: «Ҳар бир расмда тасвирланган 4 та предметдан бири ортиқча. Диққат билан расмга қараб, қайси бир предмет ортиқча ва нима учун ортиқча эканлигини тушунтириб бер».

Топшириқни бажариш учун 3 дақиқа вақт берилади.

Натижаларни баҳолаш.

10-балл - бола ўзига берилган топшириқни 1 дақиқадан кам вақтда бажариб, ҳар бир расмдаги ортиқча предметни нима учун ортиқча эканлигини шарҳлаб бера олса;

8-9 балл - бола топшириқни 1 дақиқадан 1,5 дақиқагача тўғри бажара олса;

6-7 балл - бола топшириқни 1,5 дақиқадан 2 дақиқагача тўғри бажара олса;

4-5 балл - бола топшириқни 2 дақиқадан 2,5 дақиқагача тўғри бажара олса;

2-3 балл - бола топшириқни 2,5 дақиқадан 3 дақиқагача тўғри бажара олса;

0-1 балл- бола 3 дақиқа мобайнида топшириқни тўғри бажара олмаса.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса:

10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-1 балл - жуда паст.



3-методика

“Гуруҳларга бўлиб кўрчи” методикаси.

Ушбу методика 4-5 ёшли болаларнинг образли-мантиқли тафаккурини баҳолаш учун мўлжалланган. Болага расмдаги тасвирлар кўрсатилиб, қуйидагича топшириқ берилади:

«Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқ ва уларни иложи борича кўп гуруҳларга бўлиб чиқ. Ҳар бир гуруҳга, умумий белгиси бир хил бўлган фигураларни кирит ва ҳар бир фигуранинг номини айт ҳамда қандай белгилар асосида бўлиб чиққанингни тушунтириб бер». Топшириқни бажаришга 3 дақиқа вақт берилади.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл - бола ҳамма фигураларни 2 дақиқадан кам вақтда гуруҳларга ажратса. Бу фигуралар гуруҳи қуйидагича: учбурчак айланалар, квадратлар, ромблар, қизил фигуралар, (расмда улар қора рангда берилган), кўк фигуралар (улар тўғри чизиқ билан штрих қилинган), сариқ фигуралар (улар каттаклар билан белгиланган), катта фигуралар, кичик фигуралар;

8- 9 балл - бола ҳамма фигураларни 2,0 дақиқадан 2,5 дақиқагача вақтда гуруҳларга ажратса;

6-7 балл - бола ҳамма фигураларни 2,5 дақиқадан 3,0 дақиқагача вақтда гуруҳларга ажратса;

4-5 балл - 3 дақиқа мобайнида бола 5 дан 7 гача фигураларни гуруҳларга ажратса;

2-3 балл - 3 дақиқа мобайнида бола 2 дан 3 тагача фигураларни гуруҳларга ажратса;

0-1 балл - 3 дақиқа мобайнида бола 1 та гуруҳдан ортиқ гуруҳга ажрата олмаса.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса:


10 - балл - жуда юқори

8 - 9 балл - юқори

4 - 7 балл - ўртача

2 - 3 балл - паст

0 - 1 балл - жуда паст.



Образли, сўз-мантиқли тафаккур турини баҳолаш учун методикалар

«Мантиқсиз тасвирлар» методикаси

Ушбу методика ёрдамида болани атрофдаги борлиқ ҳамда ушбу моддий дунёдаги бир қанча объектларнинг орасида ўзаро боғланишлар ва муносабатлар ҳақида элементар образли тасаввурлари баҳоланади: ҳайвонлар билан, уларнинг ҳаётий кўринишлари билан, табиат билан.

Ушбу методика ёрдамида боланинг мантиқий мулоҳазаси ва ўз фикрини грамматик жиҳатдан тўғри ифодалай олиши аниқланади. Методикани ташкил қилиш жараёни қуйидагича олиб борилади:

Расмда тасвирланган кўринишлар болага тавсия қилинади, унда ҳайвонлар билан боғлиқ бир қанча «мантиқсиз» ҳодисалар мавжуд.

Болага расмни кўрсатиш жараёнида, унга қуйидаги маънода кўрсатма берилади: «Диққат билан ушбу расмдаги тасвирларни кўриб чиқиб, расм томонидан қандай хатоликларга йўл қўйилганлигини айтиб бер? Агар сен қайсидир объектни ўз жойида тасвирланган эмас деб ҳисобласанг, нима учун шундай бўлиш кераклигини тушунтириб бер ва аслида қандай бўлиши кераклигини айт?».

Кўрсатманинг иккала қисми ҳам кетма-кетлик билан бажарилади. Биринчи навбатда бола мантиқсизликларни айтиб беради ва расмларда кўрсатиб беради, сўнгра ҳақиқатда қандай бўлишлигини изоҳлаб беради.

Расмларни кўриш ва топшириқни бажаришга уч дақиқа вақт берилади. Бу вақт мобайнида бола иложи борича мантиқсиз воқеаликни кўпроқ топиши ва ҳақиқатдан қандай бўлиш кераклигини шарҳлаб бериши керак.

Натижаларни баҳолаш.

10 балл - агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида расмдаги ҳамма мантиқсиз тасвирларни (жами 7 та) аниқлаб, қониқарли тушунтириб бера олишга улгурса ва ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олса.

8-9 балл - бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо бирдан учтагача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олмаса;

6-7 балл - бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлаб ва белгилаб чиқса, аммо 3 дан 4 гача тасвирни ҳақиқатдан қандай бўлишини шарҳлаб бера олмаса;

4-5 балл - бола ҳамма мантиқсиз тасвирларни аниқлади, аммо 5-7 тагача тасвирни чегараланган вақт мобайнида шарҳлаб беришга улгура олмаса;

2-3 балл - бола чегараланган вақт мобайнида 1-4 тагача тасвирни аниқлаб бера олмади ва шарҳлашга вақти етмаса;

0-1 балл - чегараланган вақт мобайнида бола расмдаги 7 та мантиқсиз тасвирлардан 4 тасини топса.

Изоҳ: 4 ва ундан юқори балл, агар бола берилган 3 дақиқа мобайнида топшириқни биринчи қисмини тўлиқ бажара олса, аммо уларни тушунтириб ва шарҳлашга улгура олмаса қўйиш мумкин.

Тараққиёт даражаси ҳақида хулоса чиқариш:


10 балл - жуда юқори

8-9 балл - юқори

4-7 балл - ўртача

2-3 балл - паст

0-1 балл - жуда паст.



III.4. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига ақлий тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш

Миллий таълим равнақини таълим тарбия амалиётига самарали ва тежамли, янги шакл, воситаларни қўллаш, изланиш орқали юқори натижаларга эришишни кўзловчи педагогик технологиялар таъминлайди. Мактабгача тарбия янги педагогик технологиялардан оқилона фойдаланиш тарбияни таълимга боғлаш, ҳар иккисини тузилиши ва мазмун жиҳатдан яхлитлаштиришга, тарбияланувчи фаолиятини уюштиришга, мустақил фикрлашга йўллаш учун қулай шароит яратади.

Демак, педагогик инновацион технология таълим-тарбия жараёнини илғор воситалар, методлар, техник воситалар, усулларига таяниб такомиллаштириш тизими ҳисобланади. Бу тизим ўқитувчи ёки тарбиячи томонидан яратилади, таълим-тарбия босқичларини ўзаро боғлашга хизмат қилади. Унинг мазмуни ва вазифаларини, мақсадини олдиндан белгилаш, таълим-тарбиянинг шакиллари ва воситаларини тайёрлаш, тарбияланувчида шакллантириш кўзда тутилган маънавий сифатларни ўзлаштиришга йўналтирилган машғулотларни режалаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Шунинг учун таълим жараёнида боланинг тутган ўрни, яъни болага катталар томонидан кўрсатилган муносабат педагогик технологиянинг муҳим хусусиятидир.

Машғулотлар орқали самарали натижаларга эришиш илғор инновацион технологияларни қўллаш орқали юзага келади. Демак, педагогик технология таълимга тизимли ёндашув асосида татбиқ этилади.

Ушбу тизимда: тарбияланувчининг ёши, рухияти, дунёқараши, билими, фаоллик даражаси ва бошқалар эътиборга олинади.

Таълим-тарбия жараёни. Тарбиячининг бу жараён ташкилотчиси, раҳбари, ижодкор сифатидаги фаолияти асосини унинг билими ва маҳоратини, техник воситалардан фойдаланиб, боланинг қизиқиш ва интилувчанлигига таъсир кўрсатиш, болани энг кўп даражада фаоллаштиришга хизмат қилувчи усулларни қўллаб, кафолатланган самараларга эришиш қобилияти ташкил этади.

Инновацион технологияларни мактабгача таълим муассасаларида – ўйин, машғулот, сайр давомида қўллаш яхши самара беради.

Биз ҳозир инновацион технологияларни ўйин ва машғулот давомида қўллаш усулини кўриб чиқамиз.

Маълумки ўйин фаолияти болалар ҳаётининг мазмунини ташкил этиш билан бирга, уларни атрофни, қолаверса, барча яқинларини танишга ёрдам беради, келгуси ўқув фаолиятига руҳан, ақлан тайёрлаб боради. Айни пайтда ўйин бола учун эрмак, қувонч манбаи ҳамдир. Боланинг диққати, хотираси, ижодий тафаккури ва тасаввурини ҳамда дунёқарашини шакллантиришга, ўциришга хизмат қиладиган воситадир. Бу жихатлар боланинг бундан буёнги ҳаётида муҳим ўрин тутди.

Кичкинтойларда ўйинга бўлган қизиқиш шу даражадаки, баъзилар фақат ўйин билан банд бўлғиси келади. *«Келинг, бирга ўйнайлик», «Дадажон, онажон, ўйинчоқ олиб беринг»* каби илтижоларни кўп эшитишимиз мумкин. Бу таклифларга кўниб, ҳамма ишимизни бир дақиқа нарига суриб, чарчоғимиз, ташвишларимизга қарамай: *«Бўпти, қайси ўйинни уйнаймиз»* десак борми, бир онда биз йўловчи, хайдовчи, ўқувчи, очкўз бури, кўрқоқ қуён, уқолли доктор ва бошқа персонажларга айланиб, уларнинг қувончларига сабаб бўламиз. Бола билан уйнар эканмиз, биз ҳам ўз олдимизга мақсад куйиб боришимиз керак. Ўйин давомида албатта биз уларнинг хохиши,

истаги бўйича ҳаракат қилишимиз, бизнинг шу пайтдаги асосий ишимиз боланинг айтганларини бажариб, уни хушнуд қилиш, вақтини чоғлаш ва шу асосда муайян кўзлаган ниятимизни амалга ошириб, болани маълум мақсадга йўналтиришдир. Масалан, биз бола идрокини ривожлантиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйишимиз мумкин. Идрокни ўстиришга қаратилган ўйинлар болада нарсаларнинг ранги, шакли, катталигига кўра тахлил қилиш малакасини шакллантиради.

Мактабга тайёрлов даврига келиб, болалар ранг каторидаги 7 хил рангни бемалол фарқлай оладилар. Улар асосий геометрик шакллар (доира, туртбурчак, тўғри туртбурчак, учбурчақларни билишлари лозим. Намунага кўра, ёки номи айтилган маълум бир шаклдаги нарсаларни ажрата олишлари керак. Шундан келиб чиқиб, сизларга 3-4 ёшли болалар учун ўйин машғулотларини тавсия этамиз.

«Нима думалайди?»

Бу ўйин машғулоти орқали болалар нарсаларнинг шакли билан танишадилар. Шундай қилиб болалар билан қувноқ ўйин – мусобака уюштирилади.


- Ким ўз қўлидаги шаклни пол ёки столга ўрнатилган ўйинчоқ дарвозадан тезроқ думалатиб ўтказа олади.

Думалатиш учун шарча ёки кубни таклиф этамиз. Аввалига болалар учун дарвозага нимани думалатиб киритишнинг фарқи бўлмас, лекин бир неча ўринишдан сўнг у шарчани танлаган одам ютаётганлигини тушуниб қолади. Ана шунда келаси сафар у ҳам шарчани олишга ҳаракат қилади. Худди шу пайтда:

- Нега айнан шу шаклни, шарни думалатмоқчисан – деб сўраймиз. Унга хатти-ҳаракатларини асослашига, хулоса чиқаришига ёрдамлашамиз: *«Шарча думалайди, кубик думаламай тўхтаб қолади».*

Бола эътиборини кубдаги ўткир қирраларга қаратамиз. Шарнинг текислигини, қирралари йўқлигини кўрсатамиз.

Расмда оддийгина доира ва тўртбурчак шаклида намоён бўлади. Болага шар ва куб расмини чизишни таклиф этамиз.



ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Мамлакатимиз ёшларининг соғлом, баркамол авлод, ижодий ва интеллектуал салоҳиятга эга, ҳар томонлама ривожланган шахс, ҳуқуқий саводхон, маънан ва жимсмонан соғлом, зиёли, маданиятли ва XXI асрга мос кадрлар қилиб тарбиялаш - давлат сиёсатида устивор вазифалардан бири этиб белгиланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқ таълими тизими фаолиятини меъёрлаштирувчи "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби муҳим давлат ҳужжатлари қабул килинди. "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддаси орқали фарзандлар тарбияси ва таълим олишлари, уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимояси борасида масъулият ва жавобгарлик янада оширилди.

Ақлий тарбия - маънавий баркамол инсон тарбиясининг етакчи таркибий қисми ҳисобланиб, унинг мазмунида ёш авлодни табиат, жамият тараққиёти қонунлари, киши тафаккури ҳақидаги билимлар тизими билан таништиришга қаратилган ва мазкур билимлари асосида, ўқувчи-ёшларда илмий дунёқараш асосини шакллантиришга қаратилган тарбиядир. Ақлий тарбия ёшларни ақл-заковатли, объектив дунёни яхлит идрок этадиган, ўзлигини англаб этадиган, ўз олдига турган вазифаларни онгли бажара оладиган, инсоний қадр – қийматни улуғлайдиган қилиб тарбиялашга қаратилган. Зеро, инсон камолотида илм эгаллаш улкан фазилатларидан бири ҳисобланган.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, бошланғич таълимда мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган ақлий ўйинлар орқали болаларда мантиқий фикрлашни, диққатни жамлашни, сезгини, бир нарсани тезда идрок этишни, умумлаштиришни, чакконликни ривожлантириш мумкин. Таълим тизими, шахсни шакллантириш учун, давлат талаблари асосида ўқитувчилар, тарбиячилар шахсини ҳар томонлама мукамал бўлишини талаб қилади.

Янгиланиб бораётган бошланғич таълимга давлат ва жамият томонидан қўйиладиган талабларга мувофиқ таълим соҳалари бўйича ўзаро мувофиқлик ва мутаносиблик тўла таъминланиши лозим. Шу жиҳатдан бошланғич таълим бўйича давлат таълим стандартларини белгилашда шуни ҳисобга олиш керакки, таълим жараёнининг таркибини, худди шу таркибий қисмларнинг мазмунини ҳам модернизациялаш, янги замонавий педагогик технологияларни қўллаш имконини берсин.

Тавсиялар:

- Бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий шаклланиши хусусиятларини педагоглар, тарбиячилар, ота-оналар ва бола тарбияст билан шуғулланувчи мутахассислар яхши шрганиши зарур.

- Мутахассислар томонидан бошланғич синф ўқувчиларининг ақлий ривожлантириш учун ишлаб чиқилган усул ва воситаларини амалиётда тадбиқ этиш кўникма ва малакаларини эгаллаш.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. -Т.: Ўзбекистон, 2008 й.
2. И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч . -Т.: Маънавият, 2008,
4. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 1997.
5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т., 1997.
6. Давлетшин Г.М. Таълимнинг психологик асослари. Т., 1990.
7. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. – Т., 2001.– 241 б.
8. Ғозиев Э. “Таълим жараёнида ўқувсҳилар тафаккурининг ўсисҳи” Тосҳкент “Фан” насҳриёти 1980 йил.
9. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
10. Абдуллаева Б.С ва б Бошланғиш синф ўқувчиларига геометрик материалларни ўргатиш методикаси -Тошкент: ООО “Жаҳон принт”, 2011.
11. Азизҳўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: ТДПУ. 2003.
12. Мусаев Жаҳонгир. “Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш” (Монография). “Шарқ” нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Тошкент. 2010.
13. Калдибекова А., Ходжаев Б. “Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш йўллари” (услугий қўлланма) Тошкент 2006.
14. Йўлдошев Ж., Йўлдошева Ф., Йўлдошева Г. Интерфаол таълим сифат кафолати.–Т.: 2008. 153 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БЎЛИМ. БОШЛИНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИСИ ПОРТРЕТИ	4
I.1. Кичик мактаб ўқувчисининг умумий тавсифи.	4
I.2. Бошланғич синф ўқувчиларининг ўқиш фаолияти хусусиятлари тавсифи.	13
II-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЎҚУВЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШ	21
II.1. Бошланғич синф ўқувчилари тарбиясининг асосий мезонлари	21
II.2. Бошланғич синф ўқувчиларини эстетик ва ахлоқий тарбиялашда тарбия усулларини қўллаш муаммоси	32
II.3. Бошланғич синф ўқувчиларида иродавий ҳаракатларнинг шаклланиши	37
III-БЎЛИМ. БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИСИНИНГ АҚЛИЙ ШАКЛЛАНИШИ	45
III.1. Бошланғич синф ўқувчилари билиш жараёнларининг психологик хусусиятлари	45
III.2. Бошланғич синф ўқувчилари интеллекти диагностикаси хусусиятларини ҳисобга олиш	51
III.3. Бошланғич синф ўқувчилари интеллекти диагностикаси	60
III.4.Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига ақлий тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш	69
ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР	73
Фойдаланилган адабиётлар	75

Шаббазова Дилфуза Рузикуловна

**БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИСИНИНГ
АҚЛИЙ ШАКЛЛАНИШИ**

ИЛМИЙ РИСОЛА